

4
**УВОЛНИНГ ЗАВОЛИ
БОР**



11
**ПУЛ ЭМАС, ОТА
МЕХРИ КЕРАК!**



14
**«МИШ-МИШ»
ТЎЗОНИДАГИ КЕЧМИШ**



16
**СЎКИШ БОШҚА,
СҮЙИШ БОШҚА**



**«Ойижон, ана, биз излаган
китоб бор экан!»**

“ОБУНА — 2010”

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми? “Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!

Вақтни ғанимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи ғойибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашаётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам “Оила ва жамият” хонадонингизга беминнат (“сотиб олиб ўқирман” деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишяпти) кириб боришини истасангиз, яхшиси, обуна бўлагингиз минг қарра маъқул.

ДЕМАК, ОБУНА БОШЛАНДИ!

КЕЧА:

→ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони (9 июль куни) матбуотда эълон қилинди.

→ Тошкентда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитаси тавсияларини бажариш бўйича Миллий ҳаракат режасининг мамлакатимизда ижро этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

БҮГҮН:

→ “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устивор вазифаларни амалга ошириш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатаётган мамлакатимиз ғаллакорлари эришаётган катта меҳнат зафарлари барчани қувонтирмакда. Бу эса юрт ободлиги, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминловчи воситадир.

→ Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) (хайриятки, қатталаримиз эришолмаган муваффақиятга уларнинг эришганликлари озгина бўлса-да, кўнгилларга таскин беради) жорий йилда Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал қисмига жиддий тайёргарликни бошлаб юборишди.

ЭРТАГА:

→ Кечагина ўзларининг кадрдон мактаб ва коллежлари бағридан «учирма» бўлиб келган абитуриентлар учун гоят ҳаяжонли лаҳзалар тобора яқинлашаётир. Уларнинг бу йилги тест саволларига излаётган жавоблари турлича. Олдинда эса... катта ҳаёт жумбоқлари ҳам кутиб турибди.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Ёшларни танқид қилиш осон, катталарни-чи?	2
Кўшнимизнинг томи баланд, номи эса...	5
Қанийди, бизларга «ажрашамиз» деган аризалар тушмаса	6
«Эр қилиш осон, этигини ечиш қийин» деган момонинг шоира набираси	7
Теледастурлар	8-10
Муаллимасига қандай совға олишни билмаган синфдошлар	12
Бир хотиннинг мақри нечта эшакка юк бўлади?	15



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

ИЛМИЙ — АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида «Ўзбекистон Республикаси одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлари» мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифий маркази ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо комиссияларнинг масъул котиблари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари иштирок этди.

Илмий-амалий конференцияда мустақиллик йилларида республикада одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Жумладан, бу соҳада норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқро ҳужжатлар ратификация қилинди ҳамда уларнинг норма ва стандартлари миллий қонуқчиликка имплементация қилинди.

Хусусан, мамлакатимиз парламенти томонидан «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги қарори билан одам савдосига қарши курашиш бўйича миллий ҳаракатлар режаси ва одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссияси таркиби тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддасига (Одам савдоси) тегишли ўзгаришлар киритилди.

Анжуманда шу нарса таъкидландики, бугунги кунда республикада барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар маз-

кур иллатга қарши курашиш бўйича ягона стратегия асосида ишлаб чиқилган режа бўйича ҳамкорликда кенг кўламли иш олиб бормоқда. Унинг олдини олишга қаратилган ҳар томонлама комплекс чоралар кўрилмоқда.

Лекин амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, ҳудудий комиссияларнинг фаолиятида манфаатдор идораларнинг иштини мувофиқлаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чоралари кўрилмаётганлиги таъкидланди.

Илмий-амалий конференцияда амалиётчи мутахассис ва олимларнинг турли мавзулардаги маърузалари тингланди. Шунингдек, одам савдоси муаммосига бағишланган янги адабиётларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси.

Шарофат Холиқова асли Қашқадарё вилоятининг Чирочқи туманидан. Тақдир тақозоси билан 1991 йилда турмуш ўртоғи, беш нафар фарзанди билан Тошкентга кўчиб келишди. Катта шаҳар, нотаниш одамлар орасида ўз ўрнини топиш, халқона қилиб айтганда, бир бурда нонни топиб ейиш осон кечмади, албатта. Бу ёқда болалар катта бўлаётди. Уларни ўқитиш, едириб-ичириш керак. Яна бошқа орзу-хаваслар дегандай...

Наврўз байрами арафасида ўзи яшаётган

Гўзаллик яратаётган аёл



Бектемир туманидаги Миришкор маҳалласи ахли учун байрам дастурхони ёзилди. Қўшни аёллар билан маҳаллага чиққан Шарофат опа тadbир тугагач, маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Алия Темирбековага дардини айтди.

— Бирор касбингиз, маълумотингиз борми? — сўради Алия опа.

— Қишлоқда яшаганимда гилам тўқиш билан шугулланардим. Ҳозир ҳам бир хонали уйимга кичкинагина гилам тўқиш дастгоҳини ўрнатиб олдим. Бўш вақтларимда гилам тўқийман, кашта тикаман, яна қўшимча иш топилса, бемабол бажарардим, — деди хижолат бўлиб.

— Сиздай қўли гул хунарманд аёллар биз учун жуда керак-да, — дея Шарофат опани туман меҳнат биржасига юборди. Бу ердаги мутахассислар уни тумандаги иш билан банд бўлмаган қиз-жувонларга ўз хунарини ўргатишни маслаҳат беришди. Уста-шоғирд йўналишни бўйича иш бошлаган Шарофат Холиқовага маҳалла худудидидаги оилавий ётоқхонадан жой ҳам ажрати беришди. Шун-

дай қилиб у хунар ўрганишни истаган қиз-жувонларга каштачилик, гиламдўзликнинг сир-асрорларини ўргата бошлади. Феруза Холназарова деган аёлнинг уч нафар фарзанди бўлиб, у айна дамда опадан гилам тўқиш сирларини ўрганаётди. Ичкари хонада буй-бўйига қараб ўтирган қизлар кашта тикишарди.

— Мана бу қизчалар ҳали жуда ёшқу. Уларнинг бармоқчалари игна ушлашга қийналмайдими? — дея опани саволга тутамиз.

— Буларнинг ота-оналари куни бўйи

ОДАМЛАР ОРАСИДА

— Шарофатхонни Тошкентга келган йилларидан буюн биламан. Ўзи иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, тиниб-тинчимайди. Баъзи бир тadbиркорларга ўхшаб, бойиб кетай демаяди. Шогирдлари ўзимдан ҳам ўзиб кетишни истади, — дейди Миришкор маҳалласи маслаҳатчиси Алия опа.

Эшитишимизча, унинг кекса қайнонаси Жанобиби ая ҳам пойтахтда катта келини Шарофат опа билан бирга яшаркан. Қайнона-қайнотаси билан бир ойдан ортқк ушлашга бардоши етмайдиган айрим ёшларга бу оилани ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

— Қайнонамнинг тани сог бўлиб, бизларни дуо қилиб ўтирсалар, шунинг ўзи катта давлат, — дейди қаҳрамонимиз бир дам кўзини кўлидаги кашталаридан узмай.

Хонтахта устига ёйилган, деворларга осиб қўйилган зар деворлар, жойнамозлар, паллақлар, гиламлар, босма чок, занжир чокли, ироқи чокли ёстиқ жиддлари, турли гулларнинг шакллари туширилган кашталар бир-бирини такрорламайди, улардаги рангларнинг уйғунлиги, табиатнинг мўъжизалари тасвирланган шаклларда бу қўли гул аёлнинг нозик диди, бетакрор маҳорати сезилиб турарди.

Шарофат опанинг келини Замирахон ҳам бўш вақти бўлди дегунча қайнона-сига ёрдамга ошиқар экан. Кўрпачалар устига ёйиб қўйилган каштани икки ой деганда битирибди.

Шарофат опа туман, шаҳар миқёсида ўтказилган бир неча кўргазмаларда шогирдлари билан иштирок этиб, ўзлари тикан қўли иши бюмларини кўз-кўз қилишга ҳам улгурибди. «Менинг мақсадим, бундай кўргазмаларда иштирок этиб, ўз ишларини реклама қилиш эмас, аксинча, айрим калтабин ва худбин кимсаларнинг менсимай, «булар фақат уйда ўтириб, бола бексин, қозон қайнатсин, кир ювин» деган нотўғри қарашлари асосис эканлигини исботламоқчиман холос». Тилагимиз битта: Шарофат Холиқовага ўхшаб қўллари билан гўзаллик яратаётган аёлларимиз сафи кенгаверсин.

Нигора РАҲМОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Ушбу раъз остида берилётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

НИМА ДЕЙСИЗ?

КАТТАЛАР ҲАМ ОЙНАГА ҚАРАСИН

Танқид қилишга изн берилса, ёшларнинг ўзларини тутишлари, айниқса, жамоат жойларидаги хатти-ҳаракатлари ҳар доим бош мавзуга айланади. Тўғри, бу жуда жиддий масала. Аммо нега бунда асосий нишон ёшлар бўлиб қолаяпти? Катталар-чи? Уларнинг жамоат жойларида ўзларини тутишлари, оғизларидан чиқаётган бехаё сўзлари, ножоиз хатти-ҳаракатлари ҳақида нега кам ёзилапти?

Ваҳоланки, болалар, умуман ёшлар ҳар қандай замонда ҳам катталардан ўрнак олган. Лекин минг афсуски, улар ўзларининг намуна эканлигини унутиб, салбий кўринишдаги ахлоқий ҳаракатлари билан номуносиб иш тутадилар.

...Кўпича метрода юраман. Лекин бир куни тасодиф билан автобусга чиқдим. Навбатдаги бекатларнинг биридан катта ёшдаги икки эркак чиқди. Автобус кичик (маршрут) бўлганлиги сабабли аτροφни бирпасда арок хиди тутиб кетди.

Улар орқадаги ўриндикка ўтириб олиб, баланд овозда гапирга бошлашди. Бири бақириб келинини ёмонлар, уни орқаворотдан уятсиз сўзлар билан сўкарди.

Автобусда ўтирган аёллар хижолатдан қизариб ерга қарашса, эркаклар «секинроқ» деб бир-икки томоқ қириб қўйишди.

Аммо уларнинг бошқалар билан иши йўқ эди. Ҳайдовчи ҳам ойнадан бир-бир кўз ташлаб қўйди-ю, юрак ютиб ҳеч нарса демади. Ана шу икки йўловчининг хурмача қилиги туфайли ўтирганларнинг таъби тиррик бўлди.

Тўғри, бу билан мен ўзимдан катталарнинг хатоларини муҳокама қилмоқчи эмасман. Аммо бизларнинг билиб-билмай қилган каттами, кичикми, хато ва камчиликларимизни биринчи бўлиб юзимизга соладиган улар-ку!

Ҳамма ерда, кўча-қўйда, уйда, жамоат жойларида, ўқиш, ишда кўпроқ қўйлақ йиртган ҳар соҳада бизга ўрнак бўлмолаётгандинда гоҳида ўқиниб кетасан киши. Шу маънода катталар фақат ёшларни танқид қилвермай, ўзларини ўзлари ҳам тергасалар ёмон бўлмасди. Ахир муомала, одоб-ахлоқ тушунчалари шахсга берилган баҳо бўлиш билан бирга миллатга, халққа мансуб мезонлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Шундай эмасми?

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА
ЎзДЖТУ талабаси.

БОЛАЛАР ТЕАТРИ ОРОМГОҲДА

Йўқ, Қашқадарё вилоят кўғирчоқ театри жамоаси дам олиш учун эмас, балки айна пайтда турчи оромгоҳларда мазза қилиб ҳордик чиқараётган болажонлар ҳузурда ўз санъатларини намойиш этиш учун боришди.

Шахрисабз туманидаги Беруний, «Лочин» ҳамда Яккабоғ тумани худудидидаги «Шўртан қалдирғочлари», Йулдош Охунбоев номли оромгоҳларда ёнги мавсумни муваффақиятли ўтказётган ўқувчиларга «Качал полвон», «Қитир-қитир ким бўлди?», «Дадавойнинг саргузаштлари», «Бургут» асарлари ниҳоятда манзур бўлди.

— Жамоамиз томонидан тайёрланган ҳар бир сахна асари ҳақида илиқ фикрларни эшитиб, янада руҳландик, — дейди театр директори Турамурад Маллаев. — Чунки катталарга қараганда болакайлarning кўпайишига кириш, ишончини қозониш мушкулроқ. Шу боис биз кичик мухлисларимиз учун яна бир неча асарларни тайёрлаб қўйдик.

Азиза ПРИМОВА

Аслида ҳар бир фаслнинг ўзига хос таровати ва гўзаллиги бор. Лекин ёзнинг гашти ўзгача. Айниқса, болажонлар учун интиқ кутиладиган бу гаройиб фаслнинг унутилмас кечинмалари уларга бир дунё хайрат ва ҳаяжон бағишлайди. Бугун ушбу бетакрор мавсумни кўнгилли ўтказаётган сурхондарёлик ўсмир-ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бу йилги соғломлаштириш мавсумида вилоятнинг тўққизта шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларида етти мингдан ортиқ кундузги мактаб олди, ихтисослаштирилган мактаб интернатлар, лицей ва коллежлар қошидаги 76 та оромгоҳда эса 4733 нафар болалар дам олаётди. **Вилоят касаб**а уюмлари ташкилотлари бирлашмаси раиси **Абдукарим АХМЕДОВ** ҳамроҳлигида вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги Узун туманининг Маландиён қишлоғида жойлашган Холмухаммад Қўлнйёзов номли оромгоҳга қараб йўл олди. Термиздан Узунгача бўлган масофа 180 километр экан.

— Жуда хушхаво ерда жойлашганда масканимиз, — дейди оромгоҳ раҳбари **Ҳикматулла Шоймардон**. — Тўрт тарафи ҳам дарахтзор, тангадек офтоб тушмайди. Ҳозиргина болалар

ради.

Айни пайтда 1300 нафардан ортиқ болаларнинг дам олиши режалаштирилган мазкур оромгоҳда 8 та гуруҳ бўлиб, аниқ дастур асосида иш юритилаяпти.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, оромгоҳда дам олган Бойсун туманидаги Меҳрибонлик уйининг 80 нафар тарбияланувчилари Узун туман «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан кийим-бош билан таъминланибди. Ушбу мақсадлар учун вилоят касаб

ушмалари ташкилотлари бирлашмаси 2,5 миллион сўм маблағ ажратган бўлса, республика халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 650 минг сўмлик спорт анжумлари олиб берганлиги ҳам хайрлидир.

Воҳада Шавкатулло Муродуллаев-



Ёз мавсуми — 2009

ри бирлашмаси тасарруфидаги «Бешбулок-Сурхон-Шеробод» тармоқларо болалар оромгоҳига раҳбарлик қилаяпти. Жорий йил мавсумини бошлаш учун касаб

ушмалари ташкилотлари бирлашмаси маблағларидан 17 миллион сўм ажрати-

лари» очик ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Нефтичи» болалар оромгоҳи деб ёзиб қўйилган дарвозадан ичкарига кирдик. Оромгоҳ навбатчиси мақсадимизни билгач, директор **Аҳмад Худойкулов** хузурига бошлади.

Директорнинг ўзи илгари ҳам шу оромгоҳда бош тарбиячи бўлиб ишлаганлиги боис, каттагина тажрибага эга эканлиги кўриниб турибди.

— Болалар қандай дам олишяпти? — сўраймиз раҳбардан.

У эса кулимсираб:

— Яхши, ўзларидан сўрай қолинг, — дея бизларни ёшлар хузурига бошлади.

Бош тарбиячи **Муборак Эшполвонова** раҳбарлигида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилаётган майдон томон юрдик. Ўртадаги «Зукколар» ва «Қамолот сардорлари»дан ташкил топган гуруҳлар ўзаро беллашдилар. Ҳар бир гуруҳларда олтигача болалар иштирок этиб, барча саволларга аниқ ва пухта жавоб беришди. Шу кун «Зукколар» жамоасидан **Сирожиддин Хуррамов**, «Қамолот сардорлари» гуруҳидан **Хуршид Набиев**лар фаол иштирок этиб, зукко ва билимдон эканликларини намойён этишди. Уларга оромгоҳ маъмурияти, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар топширилди.

Ўзбекистон ёқилги-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари касаб

ушма Марказий Кенгашининг вилоят вакиллиги, «Сурхонпармалашилари» очик ҳиссадорлик жамияти маъмурияти 500 нафарга яқин газчилар фарзандлари дам олиши режалаштирилган оромгоҳни мавсумга тайёрлашда яқин кўмакчи бўлдилар.

Вилоятда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти ҳар босқич якунида сарҳисоб қилиниб, ютқилар оммалаштирилади ва камчиларни бартараф этиш тадбирлари белгиланади. Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари вакиллари вақти-вақти билан оромгоҳларда бўлиб, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда яқиндан ёрдам бераётдилар. Оромгоҳларда уюштирилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Сиз «Қамолот»ни биласизми?», «Қишлоқ тараққиёти — юрт фаровонлиги», «Юртимиз боғ бўлсин, гулзор бўлсин, бой бўлсин» сингари тадбирлар келажагимиз эгаларини ҳар томонлама билимли, зукко бўлишларига хизмат қилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, Сурхон воҳасининг бахтиёр фарзандлари ёзги таътиллари мароқли ўтказаятирлар.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири. (t)

СУРАТЛАРДА: Воҳа оромгоҳларидан лавҳалар.

СУРХОНДАРЁ ОРОМГОҲЛАРИ

болаларнинг севимли масканига айланган

билан «Хунарли киши хор бўлмас» деган мавзуда махсус тадбир ўтказаятгандик.

Туман халқ таълими бўлими қошидаги ўқувчилар ижодиёти маркази жамоаси соғломлаштириш мавсумида шу жойнинг ўзида фаолият кўрсатиб, моҳир кўллар, дизайнерлик, мусавирлик тўғрақларида қатнашаётган ўқувчиларнинг ижод намуналари асосида махсус кечалар уюштирилган экан. Марказ директори **Қундуз Қаҳҳорова** бевосита ўз фаолиятини оромгоҳда давом эттириш билан бирга бош етакчиликини ҳам олиб бораёпти. «Бу ҳам марказ фаолиятини янада жонлантиришга, иқтидорли ўқувчиларни танлаб олишда яқиндан ёрдам беради», — дейди унинг ўзи.

Таъқван-до бўйича **Кореяда** ўтказилган Халқаро фестивалда иштирок этиб, олтин медал соҳиби бўлган **Жарқўрган** туманидаги 2-мактаб ўқувчилари **Темурбек Абдуллаев** ва **Зухриддин Хонимкуловлар** мураббийлари **Шавкат Назаров** ҳамроҳлигида болалар оромгоҳида дам олаётган тенгдошлари билан учрашувлар ўтказаятганликлари болалар қалбидида спортга бўлган иштиёқни янада оши-



ни танимаган киши камдан-кам топилади. Бир неча йил «Хонжиза» катталар дам олиш масканида фаолият юритган мураббий айни пайтда вилоят касаб

ушмалари ташкилотлари бирлашмаси маблағларидан 17 миллион сўм ажрати-

либ, оромгоҳ ҳудуди ободонлаштирилди. Бу эса оромгоҳ фаолиятида кескин бурилиш ясади. Эндиликда соғломлаштириш маскани келажагимиз эгалари учун хизмат қилаяпти.

— Фарзандимиз **Жаҳонгир Термиз** шаҳридаги 15-мактабда ўқийди, — дейди болаларини кўргани келган **Ихтиёр Тангрикулов**. — Ёзнинг жазирама иссиғида оромгоҳ кўйнида мазза қилиб ҳордик чиқараётган болаларни кўриб қувондик. Тоғлар орасидаги ҳаво Термиздагидан 15-20 градус салкин экан. Шолқон кўрикхонаси ҳудудида жойлашган оромгоҳда **Сувлисой** ва **Кийикбулок** сувларининг шифобахшлик даражаси ҳам юқори. Фарзандларимизнинг мазмунли ҳордик чиқаришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берган ҳомий ташкилот вакилларига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Болаларимиз яхши дам олса, мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқийдилар.

— Вилоят марказидан 150 километр олисдаги тоғлар орасида жойлашган яна бир оромгоҳимиз бор, — дейди **вилоят касаб**а ушмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлим бошлиғи **Чори Бозоров**.

Пештоқиқа «Сурхонпармалашилар»



Халқимиз неча минг йилларки, Яратган томонидан сизу биз учун ато этилган моддий, қолаверса, маънавий эҳтиёж-мизни қондирадиган ҳар қандай неъматларни исроф қилиш ёки хор қилишни УВОЛ деб билади. Қадимги битикларда ҳам увол ва исроф ҳақидаги тушунчалар қайта-қайта тилга олингани бежиз эмас..

Кексаларимиз, “ноннинг увоги ҳам нон” дея ерга тушган ушоқни олиб кўзга суришларида ҳам ажиб ҳикмат бор. Ва табиийки, бундай дунё кўрган хизрсифат, дуогўй инсонларнинг ҳар бир панду насихатлари замирида бугунги дорилмон кулларни қадрига етиб, шу азиз Ватани, муқаддас она тупроқни эъзозламоқдек эзгу шукроналик ётибди. Тўғри, бугун юртимиз обод, бозорларимизда орзончилик, дастурхонларимиз тўкин.

УВОЛНИНГ ЗАВОЛИ БОР

Жаннатмонанд ўлкамизда ҳатто қишнинг қаҳратонида ҳам янги узилган помидор, бодринг, қулупнай егянғиз келиб қолса, албатта, топилади. Тўй-маъракалар, ҳар хил маросиму гап-гаштакларда ёзилаётган дастурхонларни-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Ана энди, азиз замондошим! Ҳақли саволлар туғилди: Хўш, ана шундай тўкин-сочин замонда бизларга ризқ-насиба сифатида инъом этилган неъматлар (нондан тортиб, бошқа ҳар хил истеъмол қилинадиган озиқ-овқат, егулик ва ҳоказолар)ни қай даражада қадрлаётимиз? “Этимиз бут, қорнимиз тўк, дастурхонимиз тўкин” дея мақтаниб билан бирга кўнглимиз, маънавиятимиз ҳам шунга яраша бойми? Унда нега кейинги пайтларда яна исрофгарчилик борасида “ким ўзар”га берилиб, ортиқча даб-дабозликка йўл қўяёмиз?

АЁЛ ВА...

Очигини айта қолай: ўзим шу қавмга мансуб бўлганим боис “УВОЛ” деган сўзни сарлавҳага (қофиянинг мослигини қаранг!) қўёлмадим. Майли, бу билан барибир моҳият ўзгармайди.

Кейинги пайтларда куза тилаётган қизиқ бир ҳолат: юртимизнинг ақсарият худудларида тўй-маъракаларга эркаклар белгиланган вақтда (кўпинча наҳорда ёки пешингача) бориб, ош-овқатини еб, дуо қилишадими, иш-ишларига жўнаб кетишадими. Аммо...

Нимасини айтасиз, аёллар йиғиладиган зиёфатлар, даврала бутунги-қунда энг катта исрофгарчилик манбаига айланиб кетди, десак янглишмаймиз. Айниқса, вилоят ва шаҳар-туман марказлари(этироф) этиш керакки, қишлоқ жойларида бу масалада муаммолар кам) ва ниҳоят, Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тўй-ҳашамларни тасвирлашга қўйналасан киши.

“АЙБ БЎЛАДИ-Я...”

...Ишдан қайтаётиб, автобусда икки онахоннинг гапи қулогимга чалинди:

— Қаранг-а, дастурхонни ҳам эринмай тузатишибдими?

— Ҳа, энди, келганлар қулиб

кетмасин, деганда боёқлиш. Лекин шунча овқат зарилми ўзи? Ярмиям ейилмади-ку!

— Моҳора билан, салатта тўйиб қолувдик, нафсим курсин, юмшоқ-қина экан, деб мантини ҳам ебман, энди ошқозоним оғрияпти... — деди кексароқ онахон.

— Дорингиз йўқмиди? — унга ачиниш билан кўз ташлади иккинчи аёл.

— Охирги пайтда меҳмонга борсам, ҳали телевизорда реклама қилинади-ку, Мезим форти-ми, шундан олволаман...

Қизнинг онасини ҳам яхши танийман. Улар тарафда ҳам тадорик ўзгача...

— Қизимизни ҳеч кимдан кам қилмаймиз, — деди қизнинг бувиси. — Қуданинг эшигидан кириб борганимизда ҳамманинг озги очилиб қолсин!!!

Зулайхонинг қудаси аввало шоҳона ясалган бешик харид қилди. Беланчак ва манежнинг ҳам шунга ярашасини олди. Неварасига аталган ўйинчоқлар тўплами камида бир сандиқ чиқарди. Чақалоқ учун махсус пардоз воситаларини айтмайсиз... Кийим-кечак ва сарпо-суруқни-ку ўрнига қўйди.

Унинг тайёргарлигини зимдан кузатиб турган Зулайҳо ва унинг амма-холалари қудаларни муносиб қутиб олишга бел боғлашди.

— Ҳамманг тоғораларни бўлишиб олинглар, — деди Зулайхонинг қайнонаси қизларига. — Пиширик ва овқатларнинг энг сараларини дастурхонга тортамыз. Яна етти-саккиз минг сўмга қаяқдаги нарсалар билан

сўнг, камида уч-тўрт хил сомса тортилади. Кейин шўрва ёки моҳора киради. Ундан сўнг хасип, қази-қарта, норин, манти, хоним, қовурилган товук, қовурилган чучвара, турли дўлмалар... Хуллас, ош-палов пишгунча тинимсиз овқат кириб туриши шарт. Акс ҳолда(!)...

Қуда холалар бу неъматларнинг ҳаммасини паққос туширади, деб ўйлаясизми? Йўқ, адашасиз, бугунги қуда холалар анча нозиктаъб, айримлари ҳатто парҳезгар аёллардир. Улар олдига киритилган таомларнинг биттасини тановул қилсалар ҳам катта гап. Қолган таомлар меҳмоннинг олдига қўйилгач, унинг юзига термилиб, сарғаяди, совийди. Кейин музтар ҳолда, бош эгиб “чиқиб кетади”. Ўрнига бошқаси тортилади. Унинг тақдири ҳам худди шундай кечади.

ЖАБРДИЙДАЛАР...

“Ким ўзар” учун тайёрлана-

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

УВОЛ ва САВОБНИНГ ҲИСОБИНИ ўзингиз чиқариб олаверинг...

Меҳмонларнинг кўзини ўйнатиш ёки кимларнингдир “оҳ, дастурхонни боғлабдимми?” дея гапириб кетиши учун шунча исрофга йўл қўйиш бемаънилик эмасми?!

Шунча кўп исрофгарчиликка йўл қўйилаётган экан, демак, бу ерда кимдир жабр кўраётган бўлиши керак-ку! Тўғрими? Хўш, ана ўша жабрдийда ким? БУ — СИЗ, МЕН ва...фарзандларимиз!!!

Ўғил-қизи уч минг сўмга битта китоб харид қилмоқчи эканини неча бор айтса-да, беихтиёр “шошмай тур болам, кейинроқ оларсан”, деб, қариндошларидан бирининг зиёфати учун биттагина тоғорани тўлдиришга қирқ-эллик минг сўмини сарфлаб юборадиган аёллар афсуски, орамизда анчагина. Ваҳоланки, ўша тайёрлаб борилган таомни зиёфатда қадрланадими, йўқми, бу ёки ҳали номаълум... Аммо фарзандимизнинг битта истаги топталди. Ўзи қизиқаётган китобни олиб ўқиган бола, келажаги учун пойдевор қўйган бўлармиди?..

МЕҲМОННАВОЗЛИК — МАҚТАНЧОҚЛИК ЭМАС!

Сир эмас, бугун хотин-қизлар ўртасида оммавий тус олган зиёфатлардан бири бу гап-гаштакдир. Аввалги замонларда гап-гаштакларга йиғилганлар достонлар эшитишгани, турли ривоят ва ҳикматлардан сўзлашишгани ёки зиёлиллар даврасида шеърхонлик, газалхонлик уюштирилгани энди эртатка айланмаётгандай назаримизда.

Лекин, афсуски, бугунги “гап”ларнинг мазмун-моҳияти, шакл-қийфаси бутунлай ўзгариб кетган. Энг аввало, дастурхондаги ноз-неъматларнинг тури кўпайди. Бошқасини ёзмай қўя қолай. Яна бир ачинарли жиҳати, сўнгги пайтларда аёлларнинг “гап-гаштак”лари ҳам спиртли ичимликларсиз ўтмайдиغان бўлиб қолди. Тасаввур қилинг, “ўрганган кўнги” ўртаниб турган, устига устак ичиб олган бўлса, ундайларнинг қулогига шеър ёки мазмунли гаплар ҳеч қачон қирмайди. Кимдир бу ҳақда сўз очса: “Бошимизни қотирма, насихат эшитишга келмаганимиз, ўладиган дунёда бир ўйнаб кулайлик” — дейишади очик-ошқора. Ва арабу туркча мусиқаларни баланд қўйдириб, рақсга тушишади, ёки спиртли ичимликни ичиб, бошқаларни ғийбат қилишади.

Меҳмондўстлик халқимизнинг энг катта фазилатларидан бири. Эшикдан кирган одамнинг олди-га дастурхон ёзамиз. Тонган-тутганимизни тўкиб соламыз. Урф-одатларимизнинг жуда кўпчилиги мана шу меҳмоннавозлигимиз билан боғлиқ. Аммо меҳмондўст-лигимиз мақтанчоқликка айланса, унда меърини унутсақ, увол ва исрофга йўл очилаверади.

Оддий ҳақиқат эса битта: у ҳам бўлса, кўнгилини ҳеч қачон дабдала, ҳашаматли дастурхон ёзиш билан олиб бўлмайди. Аксинча, яхши сўз, ибратли амал, гўзал хулқу одобгина ҳар қандай инсон қалбига малҳам бўлиш мумкин. Шундай экан, ҳар биримиз бир кунлик ёки бир соатлик зиёфат, базму жамшидлар учун сарфланаётган ноз-неъматларнинг уволидан кўра савоби кўпроқ тегиши ҳақида ўйлаш керак.

ҲАМРОНДА МУСУРМОНОВА,

журналист.



— Энди шунча нарсани нима қилишаркин, опа? Бировга чиқарса, емайди-ку?

— Ҳа, энди, бу аёлларга бас келиш қийин экан, бошқалар қирқ товоқ қилиб турганда, ким ҳам бечорага ўхшаб, қўл қовуштириб ўтирарди?..

Олпоқ дастурхонларга ўралган тоғораларни кўтарган аёллар на-вбатдаги бекатда тушиб қолишди.

Ҳар гал ана шундай кекса аёлларнинг гапларини эшитсам, айнан шунга ўхшаш ҳақли эътирозлар айтилади. Мени қаттиқ ўйлантираётган савол эса битта: яъни ана шу онахонларнинг ўзлари уйларида зиёфат уюштирсалар, ҳозиргина гувоҳ бўлган хатоларни такрорламасликларига кафолат бормикан?

...Яқинда Зулайҳо опа деган танишимнинг ўғли фарзанд бўлди. Бундан қувонган она дарҳол тараддудни бошлаб юборди. Ахир бешик тўйига ҳара-кат қилмаса, қудаларнинг олди-да нима деган одам бўлади.

тоғора тўлдириб келманглар. Қудаларни олдида уялиб қолишимиз мумкин.

Қайнонасининг бу гапини эшитган Зулайҳо дарҳол ўзининг опа-сингилларига хабар берди: “Илтимос, сенлар ҳам мени уялтирманглар, тоғоралар қайнонамнинг назаридан ўтади. Насиб этса, мен ҳам қараб турмасман, бир кун қайтарарман ахир...”

Битта бешик тўйи учун бутун қариндош-уруғ оёққа қалқди. Қуда холалар келиб ўтиришлари билан хизматдагилар ишга киришиб кетишди.

Дастурхон усти қимматбахо қанд-курслар, хандон писта-ю, бодом-ёноғлар, ананасу бананлар, мева-чева ҳамда сархил салатлар билан безатилган. Сара пишириқларнинг ҳиди иштаҳани қитқилайди. Дастурхонда бўш жой қолса, айб бўлади-я(!).

Қолгани бошқа зиёфатлардагидек давом этди. Одатда аёллар кириб ўтиргач, чойдан

ётган бундай серҳашам дастурхонларнинг фойдасидан кўра, зиёни кўп эканлиги ҳақида кўпчилик яхши билади. Шунча таомни тайёрлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Тўй эгасининг кўни-қўшилари, опа-сингиллари, амма-хола, овсин-келлилари минг машаққатлар билан тоғора тайёрлашади. Бу аёлларнинг кўпчилиги ишлашини инobatга олсақ, вақт масаласи ҳам улар учун жуда қадрли.

Шу ўринда чуқурроқ мушоҳада қилиб кўрсак, нафа-қат таомлар, балки уни тайёрлашга сарфланган меҳнат ва харажат ҳам увол бўлаётгани ойдинлашади.

Зиёфатларнинг эса тури кўп: «Ақиқа», «Чарлар», «Бешик тўйи», «Қуда чақирди», «Келин салом» ва яна ўнлаб номлари номаълум чорловларни санай-вериш мумкин. Ҳали биз туғилган кунлар ва бошқа кичик давраларни келтирмадик. Ана энди, бундай тадбирлардаги

Мамлакатимизда олиб борилаётган ободончиликлар, шаҳар-қишлоқларимизнинг йил сайин кўркамлашиб, чирой очаётгани, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги улкан ўзгаришлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган катта ислохотлар, энг аввало бюджет маблағларини тўлдириш билан бевосита боғлиқ.

Бюджетни тўлдирадиган, аниқроғи, давлат сарф-харажатларини қопловчи асосий манбалардан бири солиқ соҳасидир. Бу ҳақда Навоий вилояти Хатирчи туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи Нейматулла Бўронов билан тайёрлаган суҳбатимизда сўз борди.

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ

— Нейматулла Раҳмонович, маълумки, солиқ тўловлари борасида ҳукуратимиз томонидан деярли барча соҳаларда қатор имконият ва имтиёзлар белгиланган. Ҳаммага аёнки, оила ва хонадонларнинг мажбурий бўлган ўз солиқ тўловлари бор. Лекин сизлар фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида ярим йиллик тўловлар ҳам жорий этибсизлар. Бунинг сабаблари борми?

— Албатта, бор. Аҳолидан бирдангина йиллик солиқлар тўловини оладиган бўлсак, кўплаб ижтимоий тўловлар билан бирга қўшилиб, озгина қийинчилик туғилиб қолиши мумкин. Шу боис мутахассисларимиз ва маҳалла фаоллари ўзaro маслаҳатлашиб, солиқ тўловларини қисмларга бўлиб тўлашларни ташкил этганмиз. Албатта ким хоҳласа, йиллик тўловни бир йўла тўлаб қўйиши ҳам мумкин. Бу ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир тури, яъни аҳоли манфаатларини ҳисобга олиб иш юритиш ҳисобланади.

— Хатирчи — вилоятда аҳолиси энг кўп ва тадбиркорликда ҳам каттагина тажрибага эга туманлардан бири. «Тадбиркор ва солиқчи»лар ўртасида қандай ҳамкорликлар йўлга қўйилган?

— Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра туманда 855 нафар яқка тадбиркор рўйхатга олинган бўлиб, улардан 177,2 млн. сўм даромад солиғи бюджетга туширилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 43,4 млн. сўм кўп, демакдир. Бизнинг мақсадимиз холис, у ҳам бўлса, тадбиркор қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларидан тўғри фойдаланиб, ўз шахсий манфаатини устун қўйиб, мўмай даромад топанам, деб солиқ тўлашдан бўйин товламаса, икки тарафга ҳам яхши. Аксинча бўлса, кимга қийин, ўзига-да.


Албатта, гуруҳ қурмакис бўлмаганидек, мана, менинг кўлимда айрим қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида маълумотлар ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг шу соҳага тегишли айрим қарорлари ижроси юзасидан 1 июнь ҳолатига кўра 164 та текшириш ўтказилиб, айрим тадбиркорлар томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар аниқланиб, тегишли чоралар қўлланилди. Масалан, жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида ҳуфёна равишда фаолият кўрсатётган цехларни аниқлаш юзасидан қисқа муддатли рейдлар ўтказилиб, 26 та ҳолат бўйича сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар аниқланиб, 25 та тегиримон, 1 та нон цехининг яширин фаолияти фож бўлди, улардан жами 1,2 млн. сўмлик товар хом ашё материаллари ҳамда мола-мулк далолати аниқлаш сифатида олиб қўйилди. Тўпланган материаллар қонуний қўриб чиқиш учун туман судига юборилди.

— Бозор ва бошқа жойларда яширин тарзда тегишли ҳужжатларсиз, ноқонуний фаолият кўрсатётган ва сертификатлари йўқ сифатсиз, дори-дармон воситалари-

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

улар орасида маълум бир тажрибага эга бўлмаган ҳолда, лицензиясиз фаолият юритаётган шундай учар киракаш ҳайдовчилар ҳам учрайдики, улар ўз нафси, чўнтагини ўйлаб, ҳам йўловчилар хавфсизлигига, ҳам давлат манфаатига зиён етказётганини қандай изоҳлаш мумкин?

— Сиз айтётган муаммо бошқа муассасалар билан бирга бизнинг солиқ инспекцияси ходимларини ҳам ўйлантираётти, десам муболага бўлмайди. Шу боис мамлакатимиз Президентининг юқори-



ни сотаётган «ишбилармон»лар ҳам учраб турибди.


— Маълумки, Республика Вазирилари Маҳкамасининг 404-сонли қарориде айнан ана шундай қонунбузарликларга чек қўйиш ҳамда аҳолининг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган юқоридагидек ҳолатлар афсуски, бизнинг туманда ҳам учраб турибди. Нафсига «қул» бўлганлар бир оддий ҳақиқатни нуғутиб қўйишади: ноқонуний фаолият юритишнинг ўзи аслида ҳар қандай кимсани чоғга етказмайди. Бу муаммонинг бир жиҳати, иккинчи, энг муҳим томони, ҳалол ва тўғри ишлаган, яшаган тадбиркор-ишбилармон учун бизнинг юртимизда ҳамма имкониятлар етарли. Ҳамма гап қонунни ҳурмат қилиш ва унга сўзсиз бўйсунушига боғлиқ ҳолда. Шу ўринда айрим жонли мисоллар ҳам келтираман. Яқинда уч нафар жисмоний шахс томонидан лицензиясиз ва ноқонуний равишда сотилаётган, жами 0,8 млн. сўмлик дори-дармон воситалари аниқланди. Бу маҳсулотлар ҳам далилий ашё сифатида олиб қўйилди, тузилган далолатномалар чора кўриш учун судга юборилди.

— Яна бир қизиқ ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Бу бевосита фуқаролар яъни йўловчиларнинг ҳаёти, хавфсизлиги билан боғлиқ масала. Ҳозир қаерга борсангиз, кўча тўла машина. Бу-ку яхши, лекин

даги жиддий масалага оид 2006 йилдаги 28 февраль ва 9 мартдаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамкор идоралар билан биргаликда режалар равишда рейд-текширишлар ўтказдик. Натижада 59 нафар фуқаронинг лицензиясиз аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётгани маълум бўлди. Чора кўриш учун улардан 57 нафарининг «иши» судга оширилди. Оқибатда туман суди томонидан бу «нафси ҳақалак отган уддабурон»лардан ЎЗР.МЖКнинг 176-моддаси 3-қисми билан 8,1 млн. сўмлик маъмурий жарима белгилангани ҳолда, шу маблағ давлат ҳисобига ундирилиб ҳам олинди. Юк автомобили билан аҳолига хизмат кўрсатган 2 нафар шахсга эса солиқ инспекцияси томонидан 0,3 млн. сўмлик маъмурий жарима қўлланди.

Хуллас, бундай далилларни яна бошқа йўналишлар бўйича ҳам келтиришим мумкин. Энг муҳими, халқона айтганда, ҳар кимга Яратганининг ўзи инсоф берсин. Яна такрорлайман, қаерда қонун устивор бўлса, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши таниб, ўз навбатида белгиланган солиқ тўловларини вақтида тўла борсалар, юртимиз равнақи ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга улушларини қўшадилар.

Салима УМАРОВА
суҳбатлашди.



«Тўқол» — бу сўз айна пайтда тилимизда кам ишлатилади. Лекин халқ оғзаки ижоди намуналарида, достонларда унга кўп дуч келасиз. Ўтмишда хотин устига олинган иккинчи хотинга нисбатан «тўқол» сўзи қўлланган. Изоҳли луғатда бу сўзнинг яна бир «шохи йўқ, шохсиз» деган маъноси борлиги ҳақида ҳам айтилган. Балки бу сўзнинг икки хил маъносиде ҳам қандайдир боғлиқлик бордир. Гарчанд, «иккинчи хотин» билан «шохи йўқ» сўзлари ўртасида мувофиқлик сезилмаса-да, бу ерда қандайдир рамаз яширинган бўлиши мумкин.

«ЧАПАНИ» — одатда, «чапани одам» деганда, дангал, шаддод, чарс феълли одамни тушунамин. Ҳолбуки, изоҳли бу сўз бошқача изоҳланган: яъни «жулдур, увада кийинган, жулдурвоқи, безоринамо, олифта, енгил-елпи ҳаётга ўрганган одам» дейилган. Демак, бу сўз асл маъносидан бироз йироқлашган.

Эшқоқил ШУКУР тайёрлади.

ДЕВОРИ БАЛАНД УЙ

Нотаниш манзара. Қишлоқнинг хонадонларидан фарқли ўлароқ бу

ҳовлига кириб чиқиш осонмас. Чунки уйнинг чор атрофи баланд паҳса девор билан ўралган. Бирдан-бир ҳовлига кириладиган темир дарвоза ҳам жуда мустаҳкам. Устига-устак унинг ёнига катта қопагон ит боғлаб қўйилган. Хойнахой, бу ерда бойбадавлат киши истикомат қилса керак, деб ўйлайсиз. Аслида бойлиги ошиб-тошиб кетмаган, ўрта-хол кун кечирайшади.

Бирор юмуш юзасидан ичкарига кириш керак бўлиб қолса, эгасини чақирмасдан ити вовуллаб кимса келганини билдиради. Шундан кейин бироз вақт ўтиб «Ким у?» деган овоз эшитилади. Кимлигингизни, нима мақсадда келганингизни айтганингиздан сўнг, дарвоза шарақ-шуруқ очилади ва таниш башара қаршингизда пайдо бўлади.

Шоша-пиша салом берасиз. У истамайгина алик олади. «Эшмат аканикига маъракага бораркансиз! Мен айтувчиман», деб тайинлаб, кетмоқчи бўлганингизда ортингиздан: «Шошма, қани, ичкарига кир! Бир пиёла чой ичиб кетарсан», деган овоз эшитилади. Бу таклифда ҳам, умидворлик, мулозамат, соддадиллик, хижолатлик ҳам йўқ эмас.

Бу хонадонга одамлар йилда бир-икки марта киридилар. Шунда ҳам тўй ёки маърака бўлса. Бу ерга кирганда ҳаво етишмаётгандай нафаси бўғилади, еган-ичгани татимаганга ўхшайди.

Нега шундай? Бу сизга қоронғу бўлиши мумкин. Шу хонадонда туғилиб, воёга етган фарзандларнинг бирон марта овозларини баралла қўйиб, қулганларини ҳеч ким эшитмаган. Чунки баджаҳл ота бунга йўл қўймаган. Ўғай онаси эса берухсат остона ҳатлаб кўчага чиқмайдиган аёл.

Қизлар отанинг хоҳишига бир оғиз эътироз билдирмай турмушга чиқиб кетишган. Йилига бир-икки марта элдан уялганлари учун келиб кетишади.

Ўғиллар то уйлангунча, қаттиққўл ота билан ўғай онанинг талабларига тишларини-тишларига босиб чидашди. Уйланганларидан сўнг эса тўрттови тўрт тарафга кетишди. Ота уларни ортидан оқибатсизликда айблаб, шунча йил қоринларини тўйдирганини, устларини бутлаганини айтиб қолаверди.

Бунга ким айбдор? Отами? Ўғай онами? Ё бе-оқибат фарзандларми? Балки оиладаги мураккаб муҳит сабабидир?

Ахир айтдилар: «Ҳар бир оиланинг қувончи бир хил, бахтсизлиги эса турфа бўлади...»

Яқинда ўша хонадон соҳиби мўйсафид бўлиб ҳаётдан кўз юмди. Бу ерга кўчиб келган ўғил эса, хонадон атрофидаги паҳса деворларни буздириб ташлади. Манзара ўзгарди, муҳит ҳам.

Суондик МАМИРОВ

ДИЛБАР ОПАНИНГ ГУЛЛАРИ

тўрт фаслда ҳам гуллаб-яшнади



Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 44 та ўзини-ўзи бошқариш органларига кўпни кўрган тажрибали, халқ билан тиллаша оладиган фидойи инсонлар маҳалла раислари этиб сайланган.

«Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғини туман марказига туташиб кетган бўлиб, бу гушада 2761 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу маҳалла тумандаги энг намунали маҳаллалардан бири. Энг хайрли томони, яқка-ёлғиз ва етим-есирлар ҳеч қачон назардан четда қолмайдилар. Олий маълумотли муҳандис Дилбар Деворовани маҳаллада раислик қилади. У ишни дастлаб туман ёшларига етакчиликдан бошлаганди. Мутахассислиги бўйича иш юритиб, кишлоқларни ободонлаштиришга ўз ҳиссасини қўшди. Мактабгача таълим муассасасида, Термиздаги «Сахий савдо» масъулияти чекланган жамиятидаги фаолияти даврида ҳам одамлар орасида бўлиб, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлди. 2004 йилнинг май ойидан маҳалла маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келаётган Д.Деворовани маҳалладошлари ниҳоят, уларига етакчи этиб сайлади.

— Маҳалла ахли Дилбар Деворовани самимийлиги, одамхунлиги ва энг муҳими, меҳрибонлиги учун ҳурмат қилади, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Шерали Мирзаев.

Маҳалладаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганларга, ҳомийлар томонидан доимий равишда кўмак бериб келинапти. Яқинда ана шундай оилаларга ёрдам тариқасида қора мол ва

парранда берилди. Кам таъминланган оила фарзандларига суннат тўйи ва келин-куёвларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. 100 ёшдан ошган Қизларой момо Пўлатова ва Салим бобо Ашуровлар хонадонидан маҳалладошлари доим хабардор бўлиб, кексаларнинг дуосини олишга эътибор қилди. Маҳаллада ҳар хил хайрли тадбирлар мунтазам ўтказилиб турилади.

Раиснинг ташаббуси билан имконияти чекланган болалар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиблар ҳомийлар томонидан совғалар билан тақдирландилар. Бу ҳам ижтимоий ҳимоянинг ибратли кўринишларидан биридир.

Маҳаллани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари йил бўйи давом этаверади. Эрта баҳорда кўча ва хонадонларга 3000 тупдан зиёд мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган эди. Бундай савобли ишларни амалга оширишда Термиз ўрмон хўжалиги, ҳудуддаги фермер хўжаликлари вакиллари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Дилбар опа табиатан гулларни севувчи аёл. Шу боис нафақат ўзи яшаётган маҳаллани, балки туман марказини ҳам гулу-гулзорларга айлантириш учун гул кўчатлари ва уруғларини етиштириб, тарқатиш билан астойдил шуғулланмоқда. Унинг хонадонига кириб борсангиз, гўёки боғи эрамга кириб қолгандек бўласиз. Турфа рангдаги гулларни кўриб, хонадон бекасининг дидига қойил қоласиз. Беихтиёр унга чин дилдан тасаннолар айтгингиз келади.

Раиса маҳалладаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида ҳам ўзига хос тажрибага эга. Хонадонларда чеварлар кўлида тўқилаётган гиламлар, зардўзлик либослари, қасаначилик маҳсулотлари ўзининг бежирим ва сифатлилиги билан харидорини топаётди. Хуллас, ўз ишига масъулият билан ёндошган жонкуяр раҳбар, ўз хонадонидан ҳам оқила бека, меҳрибон рафиқа. Турмуш ўртоғи Ҳасан Маматалиев билан фарзандлари камоли йўлида тотув ҳаёт кечириб келишмоқда. Уларнинг намунали ҳаёт йўли бошқаларга ўрнак десак, арзийди. Зеро, ўз уйида соғлом муҳит яратган аёл, билинги, аҳил маҳалласида ҳам кўпчиликнинг ишончини оқлайди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани ФХДё бўлими мудираси Шоирахон Қиличева кўлидаги рўйхатни бизга тутқазайтиб «қанийди, йил охиригача «ажралишлар сони 0 да турса минг марта рози эдик» деб кўйди.

Утган йили туман бўйича 238 та янги оила расмийлаштирилган бўлса, ажралганлар сони тўрттани ташкил этибди. «Бу кўпми ё камми?» деб сўраймиз мудирадан.

BAHT OSTOPACИ

«Оила дорилфунуни» машғулотларига кўпни кўрган, узоқ йиллар аҳил ҳаёт кечириб келаётган отахон ва онахонларни ҳамда ҳуқуқшунослар ва мутахассисларни тақлиф этамиз. Улар ёшларга ўзларининг умр йўллари ҳақида жонли мисолларни айтиб беришади. Бундай сабақлар уларга катта ёрдам берапти.

АЖРАЛИШЛАР КАМАЙМОҚДА



— Албатта, кўп, тўғри, бунга ҳаёт дейдилар, ҳеч қачон мукамал турмуш кечириш, муаммосиз оила боқиш мумкин эмас — дейди у. — Ҳар қандай жуфтликда ҳам ўзига хос ташвишлар учраши табиий. Лекин шундай бўлса-да, бизнинг вазифамиз умид билан ФХДё оstonасидан ҳатлаб, катта ҳаёт сари қадам ташлаётган ёш келин-куёвларга оилада уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг эканлигини алоҳида таъкидлаш билан бирга, ўзаро ҳурмат ва қалбдан тушуниб яшаш тинч-тотувлик мезони эканлигини қайта-қайта уқтираемиз.

Бўлимимиз ҳузурда ташкил этилган «Ёш келин-куёвлар макта-

Жорий йилнинг еттинчи ойи ярми хулосалари ҳақида ҳам билгимиз келади. Шоира Қиличева «бизларни тўйларга тақлиф этиб келишса, бошимиз осмонга етади. Лекин турли баҳоналарни рўқач қилиб «ажралмоқчи эдик» деган гапни эшитсак, кўнглимиз бузилади. Бугунгача туманимиз миқёсида юз яқин келин-куёвлар ўзларининг никоҳ тўйларини ортиқча дабдабаларсиз, кўнгили ўтказишган бўлсалар, афсуски, битта оиланинг расмий никоҳини беқор қилишга мажбур бўлди» деди...

Абдужаббор АҲМЕДОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Жиззах вилояти.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

«ZENH-SHANS» ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Абитуриентларни олий ўқув юр்தларига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтага 3 марта 2 соатдан дарс жадалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

Машғулотлар сентярдан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилинди.

Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.



МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

Мўлжал: Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.

ТЕЛЕФОНЛАР: 8(371) 212-17-67, 212-34-80.

ФИЛИАЛ: Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.



КЕТМАС ДАВЛАТ ҲИКМАТИ

СИЙРАТ



Бирор ижодкор билан суҳбатлашар эканмиз, кўпроқ унинг ижодига, яратган асарларига тўхталамиз. Лекин ўзининг шеърлари билан кўпчилик мухлисларининг кўнглига йўл топа олган ҳассос шоира Зулфия Мўминова билан қилган суҳбатимиз сал бошқачаро-оқ бўлди. У киши билан ижоддан ташқари ҳаёт, ёшларни турмушга тайёрлаш ва яна албатта ўзимиз — аёллар ҳақида қилган суҳбатимиз қизиқ кетди. Ахир шоира: «Аёлга гул беринг, шундай гулларки, Ишқу-моҳрингизга тўйинган бўлсин», деб бежиз ёзмаган.

— Ҳазрат Бобур бир газалида шундай дейди: «Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдан гар алам бўлса, Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор». Қаранг, ушбу мисралари орқали шох олам шодлигини бир аёл яъни ўзи айтганидек ғамгусор дўст орқали сиздирмоқда. Аёл кишининг эрига дўст бўлиши унга катта масъулият юклайди. Эракк ўзини қийнаётган дardini аёлига айтса, агар рафикаси фақатгина умр йўлдоши бўлибгина қолмай, дўст ҳам бўлса, уни ҳар қандай қайғудан олиб чиқишга ёрдам беради. Агар аёл хушёр бўлса, албатта ўша оила бахтли бўлади. Она китоб ўқимаса, дунёқараш кенг бўлмаса, ота қанчалик уддабуронлигию тадбиркорлигидан қатъий назар, фарзандлар камоли учун елиб-югурмаса у оилани бекаму кўст деб бўлмайди. Болалар тарбиясида оқсоқликка йўл қўйилади.

— Аёл киши ўқиса, хунар

эгалласа ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билади, шундай эмасми? Лекин ўз ҳуқуқини таниш ҳаётда нафақат аёлларга керак, балки турмуш куриш остонасида турган ёшларимизга ҳам жуда зарур. Ана шу мақсадда сизнинг яқинда чоп этилган «Никоҳ шартномаси, тўйдан олдин тиббий кўрик» номли рисолингиз ҳам ёшларни огоҳликка чақиради...

— Ҳозир баъзи қизларга эътибор берсангиз турмушга чиқадиган бўлса, бўлажак қувени эрка ўғил, уй-жойи дангилама, энг сўнгги русумдаги машинаси бор экан, деб тегиб кетаяпти. Лекин йигит шу молу давлатга ўз кучи билан эришганими? Ахир, буларнинг бари ота-онасининг омонати эмасми? Аёл киши ўзидан ақлли бўлмаган эраккни севмайди. Аёл киши унга итоат қилиши, ҳурмат қилиши мумкин, лекин севолмайди. Эр аёл кишидан бир поғона ба-

ланд туриши керак деймиз ва биз аёллар бунинг ҳис қиламиз. Лекин ўша биздан бир поғона баландда турадиган эраккнинг ақли ҳам юқорими? Эракк киши аёли суянган пайтида суяб қоладиган, тиргак бўла оладиган қудратга эга бўлиши керак. Айни пайтда қизлар турмушга чиқаётганда бўлғуси қувёга қандай шартлар қўяпти? Ахир алпларга ҳам ҳар хил талаблар қўйилган. «Алломиш» дostonини ёдга олайлик: **Қоражон айтади: Қани Барчин, Алпомиш бўлса келди, алпларнинг муҳлати бўлса битиб қолди, сен нима деб жавоб айтасан?**

Барчин айтади: Алпомиш келса келибди-да. Алпомиш келди деб мен Алпомишнинг этагидан ушлаб кетаберайинми? Бу алплар ҳам умид билан олти ой муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган олади. Ҳар кимнинг кўнгли ўздан қолади. Менинг тўрт шартим бор, шу тўрт шартимни қилган кишига тегаман. Хоҳи Алпомиш шартимни бажарсин, хоҳи калмиқларнинг бири бажарсин...

Юқорида айтганингиздек, турмуш кураётган айрим ёшлар «Бизнинг никоҳимизда мулкий низолар бўлмайди, шунинг учун бундай шартнома тузишнинг ҳожати йўқ», деб ўйлашади. Бу ерда гап фақат оиладаги мулкий низога бориб тақалаётгани йўқ-ку, гап ажралишда ҳам эмас. Мақсад оиладаги муносабатларни тартибга солишда, қонун яратган имкониятларни тўғри қабул қила олишда. Чунки қонунлар ҳаётини тажрибаларга суянган ҳолда ишлаб чиқилади. Бу никоҳ шартномаси иккала ёшни бориб жамғармага эга бўлишга қақирик, огоҳлик десак бўлади.

— **Момоларимиз қизларни «Борган жойингда тош бўл», деб дуо қилишади. Шу тиланинг мазмун-моҳирига кенгроқ тўхталсангиз...**

— Узатилаётган қизга айтадиган яхши тилакларимиз жуда кўп. Шулар ичида бироз ўзгачароги «Борган жойингда тошдай қот» дея тилак билдиришимиздир. Энди ўйлаб кўрсам, бу ўзига хос

ниятда чуқур мазмун ётар экан.

Қиз бола тош каби оғир-босиқ бўлиш керакки, токи ушбу ҳаёт айвонида энгилликка йўл қўймасин. Тақдирнинг кучли бўронлари, шамоллари, тўфонлари уни тушган жойидан узиб отмасин. Умрнинг кечмишлари-ми? Чидаш учун тошдек бардошли бўлмоқ керак. Эрнинг этигини эгилиб ечиш ҳам осон эмас.

Бахтсизликдан ва кўнглисизликдан асровчи яна бир восита яъни тилга «тош» бостирганлар ютиб чиқади.

— **Қизиқ, «Эрнинг этигини ечиш осон эмас» дедингиз. Мен бу иборани илк марта эшитиб турибман.**

— «Эр қилиш осон, этигини ечиш қийин», деб қўярдилар раҳматли момом. Бувимларнинг бу ҳикмат тўла гапларининг маъносига энди тушуниб етаётиман.

Ҳа, ҳаммамиз эр ишдан келса хузурига чоғиб чиқамиз. Олиб келган харидларини қўлидан оламиз. Аммо пойафзалини ечиб қўямизми? Эрнинг этигини ечаётган пайтимиз биз бир поғона паст эканлигимизни ҳис қиламиз. Пойафзалини тозалаш учун қандайдир яширин меҳр, ҳеч кимга кўрсатилмаган самимият, алоҳида эҳтиром лозим бўлади. Тўғри, бувим ҳикматли сўзларни айтаётганларида эрининг этиги орқали бутун бир ҳаёт қийинчиликларини шу битта сўзга жойлаштирадилар.

— **Яқинда неварали бўлибсиз, деб эшитдик. Айтадики «данагидан мағзи ширин» деб. Сиз баъзи бир ушалмаган орзуларингизни шу мурғак вужуд толеида кураётгандирсиз балки?..**

— Чақалоқ туғилса уни «дунёга келди», дейишади. Бу дегани ҳар бир инсон дунёга келгач, шу даҳри дунда ўз ўрнига эга бўлсин, бу оламни қалбига сиздирсин дегани. Шу неварамга қараб туриб ақлда энгиллар билан беллашса, футболчи бўлса бразилияликлар билан тенглашса, техникани тушунишда японлар билан тиллашса дейман.

— **Бу ёруғ ниятларингиз ижобат бўлсин, илоё. Ҳўш, ижоддан ташқари яна нима-**

ларга қизиқасиз?

— Мен ҳам шу улуг Ватаннинг бир парчасиман. Демакки, юртимдаги ҳар бир мурда, хабардан эзгулик, яхшилик излайман. Масалан, футбол ўйини бўлаётими? Ўзбек футболчилари қайси жамоа билан ўйнапти? Ютдимми, ютқаздимми? Очиғини айтмай, футболчиларимиз ютқазган куни менга жуда алам қилади, қон босимим ошиб кетади. Миллий курашимизга ҳам бефарқ эмасман. Тенгсиз полволларимиздан руҳланиб, баъзида уларга атаб шеърлар ёзмаман.

— **Ҳозир ёшларимизга жуда катта имкониятлар яратилган. Улар жуда фаол. Лекин барибир вақт ва имкониятдан унумли фойдаланмаётганлари ҳам йўқ эмас. Шуларга қараб туриб, ҳеч «эх, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди», деб ўйлаганмисиз?**

— Уларга қараб хайрат тўла кўзида ҳаётга қанқоқликни кўраман. Биласизми, бунга сабаб, юртимизнинг тинчлиги, фаровонлиги деб биламан. Каердаки, тинчлик ҳукмрон бўлса, ўша юрт одамларининг бахти юз-кўздан билиниб туради. Агар менинг ёшлигимда шундай имкониятлар бўлганида албатта Зулфия мукофотини олган бўлардим. Унча-мунча қўшиқ айтишимни ҳисобга олганда «Нихол» мукофоти ҳам даъвогарлик қилиб кўрардим.

— **Сизни кўпчилик кенг феълли аёл дейишади...**

— Жуда унчаликмас. Момом доимо дастурхон бошида, каерда дуо қилмасинлар, «кенг феъл, кетмас давлат бергин», деб фотиха қилардилар. Ёшлигимда бунинг эшитиб, момомга кенг феъл бўлиш шартми, кетмас давлатнинг ўзи ҳам етади десам, момом: «Йўқ, қизим, феълнинг кенг бўлса яшадан зерикмайсан, ҳаётни севасан. Унинг қора томонлари ҳам сенга оқ бўлиб кўринади. Агар давлатнинг бўлса-ю феълнинг тор бўлса, мол-давлат, бойлик ҳам сени бахтиёр қилолмайди. Кенг феълликнинг ўзи давлат» дер эдилар.

«Оила ва жамият» муҳбири Барно СУЛТОНОВА суҳбатлашди.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН СОҲИБИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Унда «Ибрагимбек» хусусий фирмасига қарашли

«ШОДИЯ» салонига мурожаат қилинг!

Бир неча йилдирки, синфдошлар билан «гап» баҳона чойхонада кўришиб тура- миз. Бир чўким ош устида дўстлар дийдорига нима етсин. Ёшлик дамларимизни, синфдошларни бирма- бир эсга оламиз. Мактабни тамолаганимизга унча кўп йил бўл- маса-да, дўстларимизнинг буй-баст- лари, гап-сўзлари анча ўзгарган. Кимдир тўлишган, кимнингдир бўйига буй ва яна кимнингдир пу- лига пул қўшилган. Шунга яраша уларнинг ўтирган ўринлари ҳам ўзгарган. Энди синфдошлар дарс- ларда неча баҳо олганига эмас, да- ромадига қараб тўрга ўтади.

Бу гал ҳам одатдагидек, суҳба- тимиз қизигандан қизиди. Мавзулар ҳам одатдагидек: иқтисод, сиёсат, маънавият, бозор, тарих, нарх-наво, иймон, пул ва албатта ўқувчилик даврларимиздаги хотиралар. Ҳамма соҳаларни бир-бир тафтиш қилгани- миздан сўнг, гап айланиб биринчи ўқитувчимизга келди.

— Муаллима опамиз эсларинг- дами? Мактаб учун, бизлар учун қанча меҳнатлари сингган, жуда фидо- йи эдилар-да.

— Узиям мактабнинг олди синф- ларидан эдик. Ҳаммамиз яхши ўқир-

Оғир бетоб бўлиб қолибдилар, хўш, ким хабар олди? Кейинги ҳафта хайит куни ҳаммамиз бир йўқлаб борсак, роса хурсанд бўлар- ди-да, — дедим.

Бироз жимликдан сўнг ҳамма- лари бирин-кетин «тўғри-тўғри» деб минер тақлифимни қўллашди. Фақат дўстим жим эди. Охири «қари одам, кўриб келсаларинг савоб бўлади», — деди-да, ишхонасида бугун тунги навбатчи эканлигини баҳона қилиб, кетишга чоғланди. Олиб қолишнинг иложи йўқлигига кўзимиз етган, икки киши ортидан ташқарига чиқдик.

Қайтиб хонага кирганимизда, ҳаммалари боғги тақлиф устида баҳслаши- шаётган экан.

— Энди борганимиз- га яраша қуруқ қўл билан бориб бўлмайди, совға- повга, хайитлик деган- дай, — деб гапни давом эттирди ташкилотчи дўстимиз. — Нима қилсак экан, кўзга қўринадиган нарсас бўлса яхши эди.

— Аёл киши учун энг яхши совға бу тилла. Де- мак, бирор узукми, зи-

✓ ХАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

ми? — дедим.

— Кейинги сафар ҳаммамиз бир- га борамиз...

Ҳафсалам пир бўлиб, болалар билан хайрлашдим.

Йўл четида секин кетиб борар эканман, ҳаблимдан бирма-бир мак- таб, синф хона ва турган ўша гапки, муаллима опамиз ўтарди.

Эсимда, 8 март байрами арафа- си эди. Онам муаллима опанга сов- га, деб катта бир рўмолни чиroyли



ДИЙДОР ҚИЁМАТГА ҚОЛДИ

дик, қаердан комиссия келса бизлар- ни кўрсатишарди. Буларга эришиш учун муаллима опамизнинг қанча меҳ- натлари, соғлиқлари кетган. Эшити- шимча, хозир нафақада эканлар.

— Ҳа, бизларни ўқитган пайт- ларида нафақага чиқишлари ке- рак эди. Шундан кейин ҳам анча ишладилар-а?

Шу пайт партадош дўстим гапни шартта бўлиб:

— Меҳнат қилган бўлсалар жара- жарақ пул-ойликларини олганлар- ку! — деб қолди.

Бу гапга бошқалар эътироз бил- дирди:

— Нега унақа дейсан?

— Бошқаларни билмадимиз шах- сан менга муаллима опа сира ҳам ёқмас эди. Бўлар-бўлмасга одамни бошини қотираверарди, — деди.

— Фалончи опанинг ўқувчилари деса, ҳамманинг бизга ҳаваси келар- ди. Агар уришган бўлсалар яхши бўлсин деб уришган. Нима, ўқит- вачидан танбех эшитган битта сенми? Улар мени ҳам койганлар.

— Устозимиз ҳаммани бир кўзда кўрмасди, одам ажратарди.

— Кўйсанг-чи, бунақа гапларни.

— Муаллима опам бизларга узоқ қариндош. Синглиси амакининг хо- тини эди. Оилада уриш-ярашлар ту- файли тез-тез қўйди-чиқди бўлиб юрарди. Шуларнинг аламини мен- дан олиб, доим койиб юрарди.

Ҳамма бир томон бўлди, дўстим бир томон бўлди.

— Нима бўлганда ҳам мен муал- лима опамиздан рози эмасман. Шунга ҳам гапни жим эши- тиб ўтирган эдим, бу гапдан кейин чидаб туrolмадим.

— Э-э, яхшимми, ёмонми фарзанд ота-онасидан кечолмайди, — дедим босиқлик билан. — Устоз ҳам ота- онадай гап, нима қилса ҳам шулар одам бўлсин деб қилади. Ундан рози ёки норози бўлиш ўрнига ақсинча, унинг ўзи биздан розими-йўқми деб ўйлашимиз керак. Мана, мактабни битирганимизга ҳам неча йил бўлиб- ди. Шу вақт мобайнида қай бири- миз лоақал бирор марта йўқлаб бордик.

ракми олиш керак. Ўн-ўндан таш- ласак, бемалол етади. Зўр заргар оғайниларим болот. Тозасидан тўри- лаб беришади, — деди оғзи катта- роқ синфдошимиз.

— Э-э кўйсанг-чи, қари одамга, тилла нимага керак? Қолаверса, гап совганинг нархида эмас. Ҳамма гап эътиборда, — деди бошқа бири.

— «Тэфаль» чойнак олсакмикан, ҳар ҳолда керакли буюм?

— Йўқ, «Тэфаль» чойнак бўлмай- ди, барибир қизлари ё келинлари- га бериб юборади.

— Яхшиси, бир даста гул билан икки кило гўшт, тўртта патир, олма, нок қилиб борсак-чи?

— Бўлади. Буларни шундоқ ҳам оламиз. Лекин совға олиш керак.

— Рўмол олсак-чи?

— Бўлмайди.

— Қалиш-чи, қари одамга қўлай-да?

— Йўқ.

— Жун пайпоқ-чи, бўлармикан?

Гап совганинг катта-кичиклигида эмас-ку?

— Тўғри, лекин совғадаям совға бор-да.

Хуллас, бу масалада узоқ тор- тишдик. Шу орада ош паққос туши- рилди, босиб-босиб чой ҳам ичил- ди, дастурхондаги нозу-неъматлар- нинг ҳам тағи кўринди. Кетиш вақ- ти бўлди ҳамки, бирон тўхтамага кела олмадик. Ташқарига чиқганимизда оғзи катта дўстимиз тўсатдан:

— Агар шунақа майда-чуйда нарсаларни совға деб кўтариб бо- радиган бўлсаларинг мен бормай- ман, — деб қолди.

— Хайит куни бўлса, фотиҳагар- чилик дегандай, ўтиб кетганларни йўқлаш ҳам савоб, — деди бошқаси.

— Мениям ўша куни вақтим бўлмас керак. Байрам куни савдо зўр бўлади, — деди яна бири.

Охири маълум бўлишича, ўша куни мендан бошқа ҳаммаларининг вақтлари йўқ экан.

— Энди ўзингдан қолар гап йўқ. Агар борадиган бўлсаларинг биз- нинг номимиздан ҳам табриклаб қўй, — деди ташкилотчи дўстим.

— Бир ўзим сўппайиб бораман-

ми? — дедим.

— Кейинги сафар ҳаммамиз бир- га борамиз...

Ҳафсалам пир бўлиб, болалар билан хайрлашдим.

Йўл четида секин кетиб борар эканман, ҳаблимдан бирма-бир мак- таб, синф хона ва турган ўша гапки, муаллима опамиз ўтарди.

Эсимда, 8 март байрами арафа- си эди. Онам муаллима опанга сов- га, деб катта бир рўмолни чиroyли

БИЛАСИЗМИ?

КАТТА ЁШЛИЛАР ЧИДАМЛИРОҚ ЭКАН

Аниқланишича, янги турдаги А/Н1Н1 гриппига 90 ёшдан ошганлар, яъни 1918 йилдан олдин туғилган- лар чидамли экан. Ушбу маълумотларни Токио универ- ситети қошидаги Тиббиёт фанлари институтининг бир гуруҳ тадқиқотчилари эълон қилишди. Улар 1895 йил- дан сўнг туғилган икки юздан ортиқ одамлар қон наму- наларини махсус маълумотлар банкларда олиб ўрган- дилар. 1999 йили, янқироғи, «чўчка гриппи» тарқали- шидан аввал топширилган қон таҳлиллар бўйича ўтка- зилган ушбу тадқиқотлар катта ёшлилар касалликка чидамли эканлигини кўрсатди.

Тадқиқотчилар янги турдаги ушбу гриппнинг 1918 йили «испанча» номини олган ва 40 млн.га яқин инсон- нинг умрига зомин бўлган касаллик билан ўхшаш жи- ҳатлари борлигини ҳам таъкидлашмоқда. Шу сабаб, «испанча» гриппи бошидан кечирганларда янги тур- дагисига нисбатан антижисмлар шакланган бўлиши мумкин.

Мазкур натижалар АҚШдаги Касалликларни назо- рат қилиш маркази (Centers for Disease Control and Prevention, CDC) ва Япония давлат эпидимиология ин- ституту ҳисоботи хулосаларини ҳам тасдиқлайди. Икки йирик илмий-тиббий тадқиқот марказлари бироз аввал- роқ 60 ёшдан катталар А/Н1Н1 гриппига қарши имму- нитетга эга эканликлари ҳақида маълум қилганди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва соҳанинг бо- шқа халқроқ ташкилотлари берган маълумотларга кўра эса, охириги ҳафтада А/Н1Н1 гриппи билан касаллан- ганлар сони 104 мингдан ошиб кетди. Шундан ўлим билан яқун толган ҳолатлар 530 тага, касаллик тарқа- ган мамлакатлар сони 136 тага етди.

Мафтуна ҲОШИМОВА

САЁХАТЧИЛАР «МАРС»ДАН ҚАЙТИШМОҚДА

Россия

Фанлар ака- демияси нинг Тиб- бий-био- логик муам- молари инсти- тути маълум- отларига кўра, Қизил саёрага «сунъий» саёхат уюшти- рилган ил- мий тажри- бада ишти- рок этаётган экипажнинг қайтиш фу- рсати келди.

«Марс—500» номини олган ушбу Россия- Европа ҳамкорлигидаги илмий экспериментда 6 нафар кўнгилли учувчилар иштирок этиб, улар 105 кун даво- мида «саёхат»да бўлдилар.

Россиялик фазогирлар Сергей Рязанский, Алексей Баранов, Алексей Шпаков, Олег Артемьев, француз учувчиси Сирилль Фурнье ва олмон Оливер Кнжкель 3,5 ой давомида махсус ёпиқ тиббий-техник мажмуа ичида бўлдилар. Айтиш кераки, мажмуада вазнсизлик ва ра- диацион нурланишдан бошқа барча ҳолат, шарт-шаро- итлар Марсга бўладиган ҳақиқий парвоздагидек таш- қил этилган.

Институт матбуот котиби Павел Моргунювнинг ха- бар беришича, бу қисқартирилган тажриба парвози эди. 2009 йилнинг охири 2010 йилнинг бошларига мўлжал- ланаётган Марсга ҳақиқий парвоз эса 520 кундан ибор- ат бўлиши белгиланган. «Парвоз» давомида марсонав- тлар самога саёхатнинг барча қийинчиликларини, ху- сусан, асбобларнинг ишламай қолишдан тортиб, алоқа узилишигача бўлган вазиятларни бошдан кечирдилар.

«Марсга парвоз» давомида тадқиқотчилар Россия, Европа ва АҚШ олимлари томонидан ишлаб чиқилган 70 дан зиёд илмий тажрибалар ўтказишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, 105 кунлик тажриба натижаси- да мутахассислар учун «Марс—500» дастурида амалга ошириш эҳтимоли бўлган илмий тақлифларни саралаш имкони туғилди. Мазкур дастурнинг мақсоди эса Қизил сайёрага бўладиган ҳақиқий парвозга фазогирларни имкон қадар яхшироқ тайёрлаш ва амалий кўникма беришдан иборат.

Иззатбек НУРМАТОВ

БИЛАСИЗМИ?

Алишер АЗИМОВ



Дўхтирларга кўрсатдик. "Глаукома" деган хасталик билан оғриганигини ва операция қилмаса бўлмаслигини айтишганида, тўғриси, сал хавотирга тушдик ҳам. Лекин ихтисослаштирилган республика кўз микрохирургия марказига келиб, олий тоифали шифокор, малакали офтальмолог Дилшод Абдуназаровга учрашганимизда у киши жуда бамайлихотир оҳангда "ҳолажон, ҳеч нарса қилмаган-ку кўзингизга, согла-соғ, озгина даволаш керак холос", дея онамни энгил

✓ МИННАТДОРЧИЛИК

чин дилдан дуо қилдилар... Дарвоқе, кейин билсак, Дилшод аканинг падали бузрукворлари кўп йиллар республика руҳий касалликлари касалхонасида бош шифокор бўлиб ишлаган, олий тоифали психиатр Абдунаби Абдуназаров эканлар. Айни пайтда етмиш ёшни қоралаб қолган бўлсалар-да, у киши ҳамон эл саломатлиги йўлида хизмат қилаётганлиги янада ибратлидир. Қолаверса,

✓ ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

ТУХУМНИ ҚАЙНАТАЁТГАНДА...

- ▶ Тухумнинг янгилигини билиш учун номақобли сувга солиш керак. Агар тухум чўкиб кетса, у янги бўлади. Сув юзасида турса, демек у эскирган.
- ▶ Тухумнинг оқига бир неча томчи лимон шарбати ва пичоқ учда қанд упаси ёки бир неча томчи сирка қўшилса яхши кўпиради.
- ▶ Тухумни ўрта оловда қайнатиш лозим. Агар уни баланд оловда қайнатсангиз оқи қаттиқ, сариғи юмшоқ пишади. Тухумни жуда паст оловда қайнатсангиз аксинча, сариғи қаттиқ, оқи юмшоқ пишади.
- ▶ Ёрилган тухумни қайнатаётганда сувга озроқ сирка қўшсангиз ёки ёриғига лимон шарбати сурсангиз худди бутундек қайнайди.
- ▶ Тухумни музлатгичда икки ҳафтадан ортиқ сақлаб бўлмайди.

ГИЛАМ ҚАНДАЙ ТОЗАЛАНАДИ?

- ▶ Гиламни майдаланган хом картошка билан тозалаш осон. Бунинг учун майда қирғичдан чиқарилган картошкани гиламнинг устига селиб тоза супурги билан супуриб ташлайсиз.
- ▶ Унчалик кир бўлмаган гиламни куруқ майда туз билан ҳам тозалаш мумкин.
- ▶ Янги гиламни 6 ой мобайнида қаттиқ супурги ёки чанг ютгичда тозалаш мақсадга мувофиқ эмас.
- ▶ Гиламни ювчак, текис дорга осиб қуритиш лозим.

ТУЗ НАФАҚАТ ОВҚАТ УЧУН, БАЛКИ...

- ▶ Тафта ёки шойидан тикилган кўйлақлар ялтироқлигини узоқ сақласин десангиз уларни ювиб бўлгач, 1 литр сувга 1 стакан туз қўшилган сувга чайинг.
- ▶ Агар қайнатган сутингиз тагига олиб ундан куйинди ҳид келиб қолган бўлса, озгина туз кўшинг. Сутнинг таъми яхшиланади.
- ▶ Агар тухум қайнаётган сувга озгина туз қўшсангиз у ёрилмайди, пўчоғидан осон ажралади.
- ▶ Шиша банка ва стаканларни тузли сувга чайқасангиз у ялтиради.
- ▶ Агар пичоқни туз билан ишқаласангиз ундаги балиқ ёки пиез ҳиди йўқолади.
- ▶ Йирик туз ва сирка аралашмаси хиралашган биллур идишларни ялтиратади.

ОЁҚ ТЕРИСИ ПАРВАРИШИ

- ▶ Пойабзал тўғри танланмаса, оёқ панжаси ясси бўлса одатда оёқ бармоқлари, кафтлари ва товонларининг териси ишқаланиб шилинади.
- ▶ Тери ишқаланиб шилинса, шикастланган жойга калий перманганатнинг оч пушти эритмасидан иссиқ ванна қилиш керак.
- ▶ Оёқ терисиде қавариқчалар пайдо бўлса, уларга бриллиант яшилидан суриш лозим.
- ▶ Агар оёқларни илик сувга солиб ўтирилса тери тозаланади, чарчоқ камаяди ва қон айланиши яхшиланади.
- ▶ Оёқ териси майда-майда ёрилиб қаварса календула солиб ванна қилиш фойдали.
- ▶ Замбуруғли касалликларнинг олдини олиш учун оёқни ҳафтада 2-3 маҳал сув қўшилган сирка билан артиб туриш тавсия этилади.
- ▶ Кўп терлайдиган оёққа эса ҳар куни борот кислотаси эритмаси суртиш, кейин тальк селиб қўйиш керак.

Б. СУЛТОНОВА тайёрлади.

РАҲМАТНИНГ БАҲОСИ ЙЎҚ

Шундай шифокорлар борки, Туғишган акандай қарайди сенга,

Тузалиб кетасан уялганидан...

Бетакорр шоир раҳматли Мухаммад Юсуфнинг ушбу дардли сатрларини ҳар гал ўқисам, негадир кўз олдимга жуда оддий ва камтарин шифокорлар келаверади. Албатта, улар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам жуда кўп. Бир-бирларига сира ўхшамайди. Ана шундайлардан бири...

Яхши, аввалига мунис онажоним билан боғлиқ бир воқеани ёзайин. Кутилмаганда кўзлари хиралашиб яхши кўрмай қолди.

операцияга қандай кўндирганликларига ҳайрон қолдик.

Ниҳоят, қўли энгил, тажрибали шифокорнинг беминнат ёрдами туфайли волидаи муҳтарамамиз дарддан фориг бўлиб, яна дунёни ёруғ рангларда кўра бошлади. Уша кун ҳеч эсимдан чиқмайди: Уринларидан туриб, энг аввало Яратганга шукрона айтдилар ва қўлларини очиб, "илоё, менга ёруғ оламини янада нурлироқ кўрмоқ бахтини бағишлаган дўхтир болам Дилшоджоннинг умри узоқ, ризки, насибаса бутун бўлсин! Болаларининг ҳузур-халоватини кўрсин, шундай фарзандни тарбиялаб, вояга етказган оталарига минг раҳмат", дея

бу оила хайрли соҳа бўлмиш тиббиёт билан бирга санъат соҳасида ҳам ўзига хос нўфузга эга эканлигини маҳалладошларидан эшитиб, ниҳоятда суюндик.

Энг қувончлиси, бугун онажоним қаерга, қай бир гўшага бориб қолсалар, йигирма йилдан бери ўз касбини ардоқлаб, юзлаб инсонларнинг кўзларига нур, ёруғлик бағишлаб келаятган Дилшод Абдуназаров ва унинг ёнидаги ажойиб шифокорларни мақтаганлари мақтаган. Ана шундай таҳсину раҳматлар эшитиш барча тиббиётчиларига насиб этсин!

Робинсо АШУРОВА,
Тошкент вилояти,
Оққўрғон тумани.

ШОВҚИН ГУЛЛАРГА ЁҚМАЙДИ

Мунтазам шовқин-суронлар тўлқинининг оқибатида сўнги пайтларда асаб касалликларининг авж олиши, қон босимининг ошиб кетиши, сезги қобилиятини йўқотиш каби касалликлар тобора кенг тарқалиши кузатиламоқда. Тунги сукунатда нарсалар шовқини узоқ-узоқларга етиб боради. Самолётнинг гувиллаши 40 км.гача, трамвай ва поезднинг товуши 4-5 км.гача, автомашиналар ҳаракати 2 км.гача, от туёгининг тақиллаши эса 500 метргача етиб боради. Кундуз кунлари, асосан, сунъий товушлар шовқинлар ҳўкмиронлик қилади. Бу сунъий товушлар маълум даражагача инсон саломатлигига зарар етказмайди.

Ҳар нарсанинг ҳам ўллови бор. Секин товуш — 40, ўрта товуш — 50 децибелга барбардир. Шу кўчга эга бўлган шовқинлар — секин ва ўрта товушлар ҳисобланади. Мусика ва ашула инсон қўлига ёқди. Борди-ю, товушлар кучи ва уларнинг йиғиндиси 60-80 децибелдан ошиб кетса, одам безовталанади.

Маълум бўлишича, шовқин гуллар ўсишини 47 фоизга камайтиради. Шундай тажриба ўтказилган: гул қўчати поезд йўли яқинида 100 децибел кўчдаги шовқин «ўқи»га экилади. У ўн кун ўтгандан кейин қуриб қолади. Фикримизча, боғ ва парклардаги

✓ БИЛАСИЗМИ?

Сунъий шовқинларни камайтирса бўлади. Шаҳарларда транспорт воситаларига кучли сигнал бериш манъ этилганлиги ўринли.

Олимларнинг аниқлашларича, инсоннинг қўлоқлари турлича эшитаркан. Сухбатдош жуда тез, тушунарсиз гапир бошласа, ўнг қўлоқни у томонга қаратган маъқул. Чунки ўнг қўлоқ бундай ҳолатни чапига нисбатан тез ажрата олар экан. Мусикани чап қўлоқ билан тингланган маъқул. Чап қўлоқ энг секин эшитиладиган товушнинг ҳам тез қабул қилади. Ҳар қандай мусикани мириқиб эшитиш имконини беради. Дарс жараёнида ҳар бир талаба маърузачи ўқитувчидан кўз узмаслиги, тушунтираётган фанни диққат билан тингламоғи зарур. Ана шунда кўрган ва эшитганларининг 90 фоизини ўзлаштиради.

Мерган БҰМАТОВ,
СамДУ доценти.

«узманг» ва «босманг» ёзувлари ёнига «хайқирманг» ёзуви акс этган лава ёзувлар ўрнатиш вақти етиб келганга ўхшайди. Кучи 90 децибелгача етадиган товушлар кишининг кўриш қобилиятига таъсир қилиб 25 фоизгача камайишига сабаб бўларкан. 130 децибеллик шовқин кишини муқаррар касал қилади.

ОАЖ «3-АВТОБУС САРОЙИ»



«Д» тоифали ҳайдовчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Жамият маъмурияти томонидан ҳайдовчиларга белгиланган ойлик маош миқдори — 250.000 сўмдан 350.000 сўмгача.

Уйларига элтиб қўйиш учун навбатчи автобус бириктирилади. Ишга қабул қилинаётганлар Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган (вақтинчалик прописка ҳам инобатга олинади) бўлиши шарт.

Мурожаат учун телефонлар: 248-64-45, 248-24-27

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Янги Олмазор (олдинги М. Мирпўлатов) кўчаси, 57-уй.



Йиланганимга 11 йил бўлди. Лекин ҳалигача фарзандим йўқ. Турмуш қурганимизнинг биринчи йили хотиним бели оғриётганидан шикоят қилди. Шифохонага бориб бир қатор текширувдан ўтгач, шифокор «хавотирли жойи йўқ, ҳадемай, фарзандли бўласизлар», деб бизни самимий табриқлади. Эр-хотин бу хушxabардан роса севиндик.

Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Хотинимнинг белидаги оғриқ кучайгач, яна дўхтирга бордик. УЗД текширувидан шу нарса маълум бўлди: вақтида даволанмас, икки ойлик ҳомиланнинг тушиш хавфи бор экан. Биз шифокорга «уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўрайлик», деб ортга қайтдик. Бу ҳақда онамга айтганим, «Янги келин касалхонада ётиб олса, одамлар нима дейди?» деб оғринди. Орадан бир неча кун ўтиб, хотиним ҳомиладан айрилди.

Бир-бирини қувиб кунлар, ойлари, йиллар ўтди. Кунларнинг бирида Дилором қарин-

керак. Яна олти ойдан сўнг келасизлар», деди. Шунга ҳам кўндик. Энг тўғри йўл фақат сабр қилиш, деб ўйладик. Яна ўша гийбатлар, деди-дедилар кўпайди. Устига-устак ота-онамнинг хотинимга нисбатан муомаласи ўзгарди. Дилором пиширган овқатнинг тузи кам, ёпган нони яхши пишмаган каби маломатлардан чарчадик.

— Дада, ойи, нега бундай қилаёсизлар, нима қилишимни хоҳлайсизлар?— деб сўрадим бир куни.

— Хотининг билан ажраш,

умид уйғотди.

Дилором кечки овқатдан кейин менга:

— Ҳўжайин, тунов куни мени бу ерга олиб келиш учун ота-онангизга «айб менда» деганимдингиз?— деб сўраб қолди.

Бу гапдан тепа сочим тикка бўлди. «Кимдан эшитдинг?» деб уни қистовга олдим. Хотиним кўшимиз Кумриниса холаникига чиққан экан. Хола Дилоромни гапга солибди: «Эринг сени айб менда деб олиб келибди.

«МИШ-МИШ»

Тўзонидаги кечмиш

доши 6 йил бефарзанд юриб, бир докторга кутаётганини айтиб, «шунга борайлик», деб холи-жонимга қўймади. Яна текширувлардан ўтдик. «Хаммаси яхши, озгина шамоллаш бор экан. Мана бу дориларни олмасизлар, уч ой ичида хомиладор бўлади», деб қўлимга рўйхат тутказди.

Уч ой эмас, олти-етти ой кутдик. Хотиним ҳомиладор бўлавермагач, бошқасига учрашдик. У эски таҳлилларни, ичилган дориларни кўздан кечириб, «ия, буни ким сизларга ёзиб берди? Ахир нотўғри даволаган-ку», деб у энди бошқа муолажа буюрди.

Шу тариха «фалончи фалон жойда даволаниб, болали бўлибди», дейишса, ўша ёққа шошиладиган, хар йили бир-икки жойда даволанадиган бўлди. Наҳот истаб шу йиллар ичида қанча шифокор, табиб ва фолбинларга бориб, не бир қадамжоларни зиёрат қилмадик.

Утган йиллар ичида дўсту душманларимни синаб, ким қанча эканини ҳам билиб олдим. Бизни мақтаб, бошқаларнинг гийбатини қилиб юрадиган қўшни хотин деворимизга қўлогини қўйиб ётадиган, эшитганларини кўчага ташийдиган бўлди. Гап кўпайгандан кўпайди. Дўстингман, деб юрганлар мендан юз бериб кетишди. Ота-онам кексайиб қолганди. Хар иккиси ҳам «сенинг фарзандларингни кўрсак, кўзимиз очиклигида тўйлар қилсак, неварали бўлсак», дейишарди.

Нихоят, хамма гап-сўзлардан чарчадик. Охири навбатдаги шифокор қабулига боришдан олдин эр-хотин келишиб олдик: энди шу охиригиси, агар бу сафар ҳам фарзандли бўлмасак, ажрашамиз. Аммо «ёв ташқаридан келса, ичкарида ҳамжиҳатлик кўчади», деган гап тўғри экан. Атрофдагиларнинг бўлган ва гийбатларини эшитганимиз сайин, эр-хотин жуда ахил бўлиб боравердик.

Дўхтир обдон текшириб кўриб, «анча яхши, фақат тезда даволаб бўлмайди. Нотўғри қабул қилинган антибиотиклар организмни қотириб ташлаган, буни аста-секин эритиб тушириш

умринг беҳуда ўтмасин, — деди онам ҳеч ўйлаб ўтирмай. Лекин мен унамадим.

Шу орада Тошкентда қурилишда ишлаётган акам мени ишга чақириб қолди. Дилоромга бир ой отасиникига бориб туришини айтиб, пойтахтга кетдим. Бир куни уйга келсам, хамма бизни ажрашганга чиқариб қўйишган экан. Уч кундан кейин онам аста гап бошлади:

— Бир-иккитаси келин топширган экан, нима қилайин? Уч-рашасани?

— Э, нималар деяпсиз, она — деб эътироз билдирдим.— Келинингни олиб келаман. Яқинда яна кўринишимиз керак.

— Сен ўша тугмас хотиндан бошқасига уйлансанг, юзинг ёруғ бўлармиди?

— Ойижон, сиз қаердан биласиз, айб ундами, ё мендами? — Хамма айтаётти, ўзини синаб кўрсин деб, — илтижоли термулди онам.

Бу гапни эшитиб, эсхонам чиқиб кетди.

— Йўқ, нималар деяпсиз, биз молзимиз, синашиб кўришадиган?

— Сен икки дунёда ҳам ундан кечолмайсан. Ушани деб ҳали биздан кечиб юборасан. Ундан кўра, хотининикига бориб ётиб ол.

Онам бу гапларни шундай захархандалик билан айтдики, гўё юрак бағримни тешиб юборгандек бўлди. Илк марта кўзимга ёш олди. Буни кўрган онам чидолмади:

— Биздан ўтган бўлса кечир, болам. Сенга ёмонликни раво қўрмаймиз-ку, ахир! Кўртга ҳам, кўшга ҳам берган Худо сенларга ҳам фарзанд ато этса бўлмасмиди? — деб йўғлаб юборди. — Нима қилай, менинг миям айниб қолган-да. Одамлар тинч қўйишмаяпти. Она бўлиш қўйин экан. Майли, мени кечир, келинни уйга олиб кел. Ажаб эмас, Худо фарзанд бериб қолса...

Уша куни Дилоромни олиб келдим. Ҳеч нарса бўлмагандек яшайвердик. Бир hafta ўтиб белгиланган муддатда шифохонага бордик. «Хаммаси яхши, соғ-саломатсизлар, фарзанд кўришларингга ҳеч қандай тўсик йўқ», деди. Шифокор яна калбимизда



Чиндан ҳам айб эрингдими? Қай нотангдан хол-ахвол сўраб, келинингни олиб келдингизми, деганини ҳам, ўғлим айб менда деяпти, деб айтди...

Ўрнимдан туриб ҳовлига отилдим. Хотиним «ўзингизни босинг, майли кўверинг», деганича мени тўхтатишга уринди. Жаҳл устида ота-онам телевизор кўриб ўтирган хонага кирдим.

— Бу уйда тинчлик борми, ўзи? Қачонгача менинг сирларимни кўчага ташийсизлар? — деб бақирдим ва хотинимдан эшитган гапларни такрорладим.

— Ё тавба, мен Кумриниса билан қачон гаплашибман? — деди дадам хайрон бўлганча.

— Холани чақириб чик! — деб Дилоромга ўшқирдим.

Уларга бизнинг бақир-чақирларимиз эшитилганими, чироқларини ўчириб, дарвозасини танбалаб олишибди. Роса қаттиқ таққиллатиб чақирганимиздан кейингина холанинг ўзи чиқди. Уйимизда нималар бўлаётганидан хабар толган, «мен кирмайман, кўркаман», — деб дарвозасини ёпишга уринди.

— Холажон, худо хайрингизни берсин, гапиринг энди, халиги гапларни айтгани ростми? — деб сўрадим.

У киши қизариб-бўзариб:

— Йўқ — деб жавоб берди.

— Нега бўлмас ёлгон гапирасиз, Оллоҳдан кўркамисизми?

Қачонгача гийбат қиласиз?

— дедим жаҳл билан.

У ерга қараб тураверди.

Биз уйга қайтиб келдик.

— Эртага бориб уйдагиларингга айт, кўчингни олиб кетишингиз, — деб хотинимга захримни сочганим, у:

— Эй, Худойим, бу гапни қаерданам айтдим, — деб тонгга-ча йўғлаб чикди-да, эрталаб уйга кетди. Орадан икки соат ўтганидан кейин онаси билан бирга қайтиб келди.

Хуллас, яхшилик билан бошланган сўхбат бақир-чақир, уриш-жанжалга айланиб кетди. Кўшун ховлиларда бир гала ивгогарлар текин томошадан қувонишиб, кейинги гийбатлар учун маълумот тўплаш билан оворазди.

✓ ҚИСМАТ ҲАҚИДА

олишга келишдик. Мен унга фарзандли бўлмасам ҳам қудалар ўртасидаги муносабат яхшиланмаслигини тушунтирдим. Дилором эса «фарзандли бўлиб, олиани сақлаб қолсам, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас, яна бир имкон беринг», деб йўғлади. Мен «майли, ижарага уй олиб, бир-икки ой бирга яшаб кўрайми», дедим.

Орадан ўн кун ўтиб, ишга келганим, деб ҳеч кимга айтмай, Дилоромни олиб Тошкентга келдим. Бир ойлاردан сўнг уйга қайтиб бордим. Хотинимни шаҳарга олиб кетганимни уйдагилар аллақачон эшитиб бўлишган экан. Онам «юзимизга оёқ қўйиб кетган хотинингни яна олиб кетибсан-да, хамма сенинг устингдан қулапти» деди. Бир ўртоғим ҳатто онасига айтибди, у шу хотин билан яшаса, даврага қўшмай қўямиз», деб.

Бу гап-сўзларни эшитгач, Дилоромга телефон қилиб, ўша маҳалладаги холамларникига бориб туришини айтдим.

— Нима бўлди яна, сизни айнитишдими? Сабр қилайлик-чи, онам ҳам «бекор борибман, сенинг эрингга шунчалик кўнглинг борлигини билмабман», деб афсусланиб ўтирибди. Онангиз билан отангиздан кечирим сўраб ташлаб келайликмикан дейишяпти, нима қилишингиз? — деди.

— Йўқ, келиб овра бўлишмасин, барибир кечиримайди. Холамларникига чиққин, ўша ерда гаплашиб оламиз, — дедим.

— Йўқ, у ёққа кирмайман, билламан, жавобимни бермоқчисиз, — деб йўғлаб телефони ўчириб қўйди.

Эртасига Дилором кўнгирак қилиб, онам «қудаларим нима дейишса ҳам сени эрингизникига олиб бораман, деяпти», — деди.

Кейинги куни Дилором ва қайнонам ҳамда ўн бир йил илгарти бизларнинг ўртасига тушган холам учаласи минг бир хижолат билан уйимизга кириб келишди. Қайнонам ерга қараганча гап бошлади:

— Амакижон, холажон, бизлардан ўтибди, кечиринглари.

— Қудачилик — минг йилчилик деганлар, шунинг учун қизимизни сизларга, сизларни эса худого топширдик. Иккисини илтмос, ажратмайлик.

Бу гапларни эшитгач, отам ҳам, онам ҳам жим бўлиб қолишди. Дилором эса ёш тўла қўзлар билан гоҳ отамга, гоҳ онамга илтижоли термулиб турарди.

Нихоят, дадам якуний гапни айтди:

— Майли, яна уч ой яшаб кўришингиз. Аввали Худодан сўрайлик, фарзандли бўлишсин. Бўлмас, пешоналариди ёзилганига қўнишад!

Хозир эр-хотин иккимиз ҳам кунларни, лаҳзаларни санаб ўтказаямиз. Олдинда бизларни қандай қисмат кутаяпти, у ёғи Яратганга аён.

Баҳоҳор Мирзаолимовнинг мактубини Суяндик МАМИРОВ оққа кўчирди.

ТАХРИРИЯТДАН:

Юқорида гувоҳ бўлганингизга ўхшаш воқеалар яна кимларнингдир бошидан ўтган бўлса ажаб эмас. Бундай янчили ҳолат — атрофимиздаги одамларнинг ноўрин миш-мишлари, баъзи тажрибасиз шифокорларнинг нотўғри муолажалари тубайли бир оила барбод бўлиш арафасида. Ана шундай жабрланган жабрдийдаларнинг баъзи муаммоли саволларига жавоб топиш мақсадида газетамизнинг келгуси сониди ушбу мавзу юзасидан мутахассис, фикро-мулохазаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

(Охири. Боши ўтган сонда)

Самад беихтиёр кулиб юборди. Аллақачон юмушларини тиндириб, телевизорга лоқайд термулиб ўтирган Ширина эрига, хайрон кўз ташлади.

— Тинчликми, домулло? Ё ухлаб туш кўрдиларми?

Самад «Э, шунчаки», дегандай енгил кўл силтади-да, чойни совиб қолган пиёлага интилади. Мана, тагин анчагина вақт ўтди. Бироқ телефон ҳануз жим. «Қизиқ, нега қайта кўнгирик қилмади?» — андак хавотир билан ўйлади дондор олим, — ё, хафа бўлдимикан?»

Самад уйига саҳройи сўхта-нинг келишини нечоғлик истамётган бўлса, уни хафа қилиб қўйишдан ҳам шунчалик чўчиётган эди. Ахир, гап чувалашса ёмон-да! Эргашбойнинг шахарлик эркатойи бечора ҳамқишлоғини уйига киритмабди, деган шивир-шивир сассигига чидаб бўладими?

Самад хотинига алланечук мутёлик билан термулди.

— Хоним, анови озиб-ёзиб би-ир шаҳарга кеп қолибди, уйга таклиф қилиб қўяверайлик-а, саҳар азонда бир амаллаб жўнатиб юборамиз.

— Ихтиёрингиз, — Ширина лоқайд елка учирди. — Ана, телефон қилса ўзингиз бемалол жавоб бераверинг.

Самад бир кур енгил тортиб, мамнун илжайди. Сўнг тўзғиб ётган болалар хонаси томон кўз ташлади. Қизи диван устида аллақандай газетани юзига қоплаганича мусиқа тингламоқда. Ўгли эса ҳануз компьютер билан андармон.

— Эй, болалар, — деб жеркинди Самад, — етар энди, ухларинг.

Гоҳ мудраб, гоҳ ҳомуза тортиб ётган Ширина ҳам телевизорни ўчирди.

— Чарчадим, мен ҳам ётаман. Қилар ишим қолмади, шекилли.

У эринчоқлик билан ўридан кўзгалди-да, бироз ивирсиб тургач, ётоқ томон юрди.

— Айтганча, хоним, — деб колди хотинига анчадан бери паришон тикилиб турган Самад, — кип-қизил дипломли филологсиз, қанақа сўзлар антоним сўзлар дейиларди, сал унутибман.

Ширина узун бир ҳомуза тортиб оларкан.

— Қарама-қарши маъноли сўзлар, антоним сўзлар, — деди биланон ўқувчилардек, — масалан, аччиқ-чучук, паст-баланд.

— «Қахрамон» сўзиники-чи? — «Қахрамон...» — мумжал елка қисди Ширина, — «Кўрқоқ», шекилли.

«Қахрамон-кўрқоқ» — хаёлидан ўтказди Самад, ётоққа кириб кетган хотини ортидан қараб қоларкан. Бироқ бу жавоб уни сира кониктирмади.

Кўп ўтмай, бутун хонадон чўқур сукунатга чўмди. Самад чойнакдаги ахна чойдан пиёлага қўйиб, паришон хўпларкан. Ҳануз «қахрамон» сўзига антоним излар эди: «Қахрамон-номард», «Қахрамон-қочоқ», «Қахрамон-балойи баттар»... Бироқ ҳеч бир топилдикча кўнгли тўлмай, асаблари чатнай бошлади. «Йўқ, ҳеч ўхшамаяпти-да, ух, уқкагаг агроном-шоир, жа-а бошни қотириб қўйди-ку?!»

Телефон жимигандан жимиб кетди. Аммо арзанда антоним сўз қўйида бир ўтириб-бир туриб, гоҳ бош қашлаб, гоҳ лаб тишлаб тўлғоётган Самад кўнгирик кутаётганини аллақачон

унутган. У бетоқатлик билан ўз иш ҳужрасига ўтди-да, баланд, кенг жавонга териб қўйилган жилд-жилд китоблар орасидан бирини суғуриб олди.

— Қани, изоҳли лугатга қараб кўрай-чи, — дея ўз-ўзига тўнгилади Самад, семиз китобни шоша-пиша варақларкан. (Одатда у кизгин ижод чоғлари шундай ўз-ўзига гапириниб қолади) — Та-ак... мана... Қахрамон-жамиятда ёркин фаолияти билан ажралиб турувчи шахс; жангда жасорат кўрсатган аскар...

Самад тагин анча пайт ўз-ўзига пўнгиллаб китоб титкилади. Аммо барибир зорманда антоним сўзни тополмай, қайта баттар хуноби ошди.

«Сўраб кўриш керак, бирор-тасидан кўриб билиш керак, — дея шитоб ўйларди навқирон олим, гоҳ у, гоҳ бу хонада бетоқат кезинаркан. — Уш, ким-

тишлари жигирлаб ётоқ томонда чопи кетмади, хотинини судроқлаб турғизиб, беаёв калтакламади. Ҳамма-ҳаммасига олимона мушоҳада-мулоҳазалари панд берди, шаштини синдириб, қўлларини қайирди.

«Авалло асос керак, — хаёлидан ўтказди у, бирзум ошхонада сўнарибгина тураркан, — гўшақни атай гўтариб қўйганини исботлаш зарур, балки Ширинанинг шунчаки тирсаги тегиб кетгандир, балки сим-пими қаттиқроқ тортилган бўлса, гўшақ ўз бошига кўзголиб қолгандир? Хўп, ёлгон гапиришдан қочиб шундай қилган бўлса-чи?!»

Уни алдовга ундаган ўзингиз-ку?! Элчихонага қақириб қолган эмиз...

Ниҳоят, навқирон олим ётоқда беозоргина ухлаб ётган хотинидан хаш-паш дегунча енгилди, залга қайтди. Айни

денг. Мендан сўрагани-сўраган, охири, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб сизни безовта қилдим.

Тилшунос, пихиллаб-пихиллаб қулди.

— Самад Эргашевич, «қахрамон»нинг антоними бўлмайди. Масалан, сиз юрт доврғини хорижда ёйиб юрган қахрамон олимсиз, сизга ҳеч қанақа антоним йўқ.

— Раҳмат, домла, раҳмат, — дея мингиллади Самад, профессорнинг аскияси ёғдек ёки. — Аммо лекин... анақа... тилшунослик илми нуқтаи назаридан...

«Фил.фан.док.» тагин ҳазил-хузул билан жавобдан пайсаллади. Сўнг туйкус гап мавзусини буткул бошқа ёққа буриб юборди.

«Падарлаънати, тўнка»-ич-

ЛУҚМОН БЎРИХОН

ЧЎЛДАН КЕЛГАН

**Ҳикоя**

ТАШВИШ

дан сўрай?»

Туйкус эсига таниш бир профессор тушди. Ўз имзолари бикинига, «Фил.фан.док.» деб ёзишни ҳеч унутмайдиган бу серсавлат зот, у-бу йиғинларда гўлбазде қорнини қашлаб, «Тил илмини еб-ичиб юборганман» дея мактанишни хуш кўрар эди.

Самад иш столи устидаги чарм жилди дафтарчасини варақлай-варақлай тилшуноснинг телефон рақамларини топида, кўнгирик қилишга чоғланди. Аммо телефон гўшагидан хануз ўша «дут-дут»-қиска-қиска сас эшитилмоқда эди. «Нима бало, бузукми бу?» - хаёлидан ўтказди Самад, қизғиш аппаратнинг у ён-бу ёнига нуқилаб. Сўнг димоғида сўкинганча ошхонага ўтди. Ана, ҳолос, худди ўйлаганидек — ўй тармоғига жуфтлаб уланган телефон гўшаги ўз ўридан андак силжиб, қийшайбгина турарди!

«Ҳойнахой, Ширинанинг қилмиши бу! — аччиғланиб ўйлади Самад. — Шунинг учун анови қайта кўнгирик қилполмаган. Ана энди чўлга бориб сасийди, Эргашбойнинг ўгли атай телефонини узиб қўйди, деб айюҳаннос солади. Эҳ, шарманда қилди-да бу хотин...»

Бироқ Самаднинг бутун қаҳру газабни телефон гўшагини зарда билан ўз ўрнига қўндиришга етди, ҳолос. Одатдаги эрлардек қони қайнаб,

чоғда у ўзини ёв қуршовида қолган жангидек хис этарди: бир тарафда телефон машинаси, бир ёнда Улашнинг муқаррар маломати. Қоқ қарши-сида эса аллақандай антоним сўз жумбоғи.

«Қахрамон-кўрқоқ», «қахрамон-қочоқ», «қахрамон-бўшан» - антоним сўзлар галаси тагин хаёлига ёпирилди Самаднинг. У юмшоқ курсисига ҳорғин чўккан қўйи хийла вақт бош чангаллаб ўтирди. Сўнг шашт билан таниш тилшуноснинг телефон рақамларини теришга киришди.

— Ал-лў-ў, - эшитаман, — деди нариги тарафдан телефон гўшагини кўтарган киши.

Бир зум жим қотган Самад профессорнинг қиратли товушини таниб, жонланди.

— Ассалоуму алайкум, домла. Узр, бевақт безовта қилдим, бу мен...

Самад ўзини танитгач, икковлон бери қўйиб-бири олиб, қайта-қайта хол-ахвол сўрашишди, бир-бирини олқишлашди.

— Бир маслаҳатингизга муҳтожмиз, домла, - дея ниҳоят мақсадга қўчди Самад пайт пойлаб. — Ердамингиз керак.

Тилшунос дарҳол хушёр тортиди.

— Хўш...хўш-ш...

— Бир жиянимиз аллақандай илмий иш ёзаётган эди. Кечадан бери «қахрамон» сўзининг антонимини тополмайди,

ичида сўкинди Самад, анча пайт профессорнинг тийиксиз лагити-фаларини паришон тингларкан. Ниҳоят, қуюқ-сулоқ хайрлашувдан сўнг телефон гўшақлари жой-жойига қўнди.

Самад стол устидаги чойнакни шашт билан кўтариб янча чойдан сипқорди. Бироқ ич-ичидан тошиб келаётган алланечук ташналик барибир босилмади. «Роса тинкамни қуритди-да бу бошқотирма, - деб ўйларди у; гарангисиб ошхонага кираркан. — Аммо ўша арзанда антоним сўзни топишим шарт»

Самад «фир-фир»лаб бир маромда ишлаб турган музлатгични очди-да, хув, оқшомги зиё-фатда чала ичилган фаранги коньяк шишасини қўлга олди. Шу пайт телефон туйкус устма-уст жиринглаб кетди. Туйкус чинқирқидан чўчиб тушган Самад, бир зум гангиб турди-ю, сўнг илдан бўлиб гўшақни кўтарди.

— Ал-ё-ё.

— Самадбой ака сизми? — деб сўради йўғон бир товуш бетакаллуфлик билан.

— Ҳа, мен.

— Улаш деганларини танийсизми?

Самад саросимада қолди. Таҳдидли товушга қараганда, гапирётган кимса орган одамига ўхшайди. Афтидан, агроном-шоир бирор ишқал чиқаргану қўлга тушган, ўзича Самаднинг номини сотиб, қутилиб чиқмоқчи бўлган.

— Негадир ҳеч бунақа одами эспломайман, — деб мумжал мингиллади Самад. — Тинчликми? Сиз кимсиз?

— Мен учинчи касалхонада навбатчи врачман. У кишини машина туртиб юборган.

— А, нима?! — дея беихтиёр чинқириб юборди Самад, аммо бу чинқирикда ташвишдан кўра тантана, қайғудан кўра қувонч мўлроқ эди. Чунки у аллақандай алқашни деб орган одамларига чалқашиб қолганига буткул ишонган, ич-ичидан бу балодан қутулиш йўлларини излаб ётган эди-да.

— Ташвишланманг, ака, — дея юпатган бўлди навбатчи врач, навқирон олимнинг чинқирғини ўзича тушуниб. — Хайдовчи яҳши инсон экан, дарвор бизнинг касалхонага келтирибди. Улаш ақанинг ёнидан визиткангиз чиқди, шунинг учун кўнгирик қилиб сизни оғохлантириб қўймоқчи бўлдим, узр.

Эс-хушини анча-мунча йиғиб олган Самад энди чинакам ташвишланиб сўради.

— Аҳволи тузукми, ишқилиб? — Тузук-ку-я, ну...

— Нима гап, гапирсангиз-чи?! — Билмадим... эрталаб

рентген қилиб кўрсак, аниқ бирор нима дейиш мумкин. Хозирча... назаримда Улаш ақанинг мияси чайқалган...

— Мияси чайқалган?

— Менимча шундай, бир йиғлаб, бир кулади, ўзича алланималар, деб алжирайди. Кашфиёт дейдимизи-ей, антоним, дейдимизи-ей...

Самад туйкус сергак тортиди. Ич-ичини тагин ўша сурбет қизиқиш қитқилай бошлади.

— Кашфиёт қилдим, деб мактангандир-дала.

— Худди шундай, ака, — қийқириб юборди навбатчи врач. — Топдингиз. Аммо нимани кашф қилганини билмадим. Аввал ўзакка боқ, кейин ногора қоқ, қахрамон-меҳрибон, меҳрибон-қахрамон, деб шеърлар ўқийдимизи-ей...

Самаднинг бутун вужуди бўйлаб ҳузурбахш ҳарорат югурди: «А, ҳа-а, қахрамон-меҳрибон! Рост, аввал сўзининг ўзигага қараш керак экан-ку?! Қаҳр-меҳр... А, ҳа-а, мана сенга ҳақиқий антоним сўзлар, қахрамон-меҳрибон, меҳрибон-қахрамон! Шу жўнгина жумбоқни ечолмай эсим кетди-я?!»

— Ал-ё, ал-ё, — дея навбатчи врач у ёқда хануз бўғилиб ётарди. — Нега жимиб қолдингиз, ака? Ал-ё, гапиринг, эй, ухлаб қолдингизми?

— А, нимани гапирай?

— Ия, сизнинг ҳам миянги-чи чайқаб қўйдим, шекилли-а, кўп гапириб. Ахир қаерда ишлайсиз, деб қачондан бери сўраб ётибман.

Навбатчи врачнинг бу сўрови Самаднинг алланечук ҳамиятига теғди.

— Ув, биродар, — деди у овозини бир парда кўтариб. — Ўзингизнинг миянгииз чайқалмаганини, ишқилиб. Ана, қўлингиздаги визиткада ҳаммаси ёзиб қўйилган-ку?

— Кечирасиз, — деб бўшашибгина мингиллади навбатчи врач, — бу қорғозга Улаш ақанинг қони теккан, ёзувлари анча чапланиб кетибди.

— Газет-пазет ўқиб турсизми ўзи? — викор билан қўйиб қўйди дондор олим.

— Э-э, Самадбой ака, энди сизни танидим. Лекин... лекин Улаш ака кимингиз бўлади?

Самад томоқ қирганча тарраддуланиб қолди...

Кеча "Халқ сўзи" газетасида ўқиб қолдим: Сурхондарёнинг Шерободда гапирадиган қарга бор экан. Мени бу Гошаси (оти шундай) тушмагурнинг оз эмас, кўп эмас, 32 та сўзни билиши ёки бўлмаса Шодибек деган болакайнинг ортидан эргашиб, мусика

ладиган шўрлик қарганинг фаросатига қўйил қолдим.

Эътибор беринг: Гошанинг "сўз лугати"да асосан "Яхши!", "Раҳмат!", "Яхши қолинг!", "Яхши боринг!" ва "Яхши ўқи!" деган энг самимий иб-

бўламир. Унутманг, ёнгинамизда қўлини кўксига қўйиб, "Ассалому алайкум, эсон-омонмисиз? Худого минг қатла шукур, раҳмат, болам, умрингиз узок, ризкингиз бутун бўлсин!" деб бир-бирларини

СЎКИШ БОШҚА, СЎЙИШ БОШҚА

Ёхуд шерободлик қарғачалик фаросати йўқ айрим одамлар ҳақида сўз



"тинглаши" кўпм хайратга солгани йўқ. Чунки одамзот ҳафсала қилса исталган жониворни (ҳар қандай хатти-ҳаракатингизни кам-кўстсиз ижро қилиб берадиган дельфинлару ит-мушук, маймун-айиқ, йўлбарсу йиртқич бўрилари санаб ўтирмаса ҳам бўлади) ўз йўригига юргизишга қодир. Очиги, мени қаттиқ ўйлантириб қўйган нарса бошқа: У ҳам бўлса аксариятимиз ҳар доим аввало кўп яшаши (раҳматли Ҳожибой қизиқнинг юздан ошган кекса қарга «бува» ҳақидаги аскиясини эсланг) ҳамда ҳаддан ташқари қоралиги ва дуч келган нарса (ҳалол-ҳаромни ажрата олмайди) ларни еб кетавгани учун тинмай қарба, сўки-

рлар бор экан. Шу ўринда Шеробод туманидаги "Биоокосан" маркази директори Бўри Раҳимовнинг ўғли Шодибекка ҳар қанча раҳматлар айтсак, арзийди. Нега десангиз, битта оддий қарга ана шу болакайнинг маҳорати туфайлигина сизу биз учун ҳар кун, ҳар лаҳза сув ва ҳаводек зарур бўлгучи қадрли сўзларни ўзлаштирибди. Лекин...

"Ҳой, уйинг куйсин сендай лаънатининг, нега мени қизимга «икки» баҳо қўйдинг! Олган ойлигинг тешиб чиқсин илоё!"

(Боласи ёмон ўқийдиган аёлнинг муаллифига айтгани)

"Вой, кўрмисан, гилай, нега менга бошқа номер бервординг, Диляни чақир, десам, акасимийей, роса сўкиб берди, ифлос."

(Автобуста сўзлашаётган икки усмирнинг гаплари)

"Пулига чидасанг ўтир-да таксимга, ялангоёк! Ана, кўча тўла автобус, қани кўзимдан йўқол!"

(Киракашнинг таъбири)

"Ким бу, нега нотўғри терасан эшшак! Нима, кечир, пишириб е, узрингни, эшитдингни?"

(Телефондаги койиш)

Маҳалла-қўй, автобус, поезд, бозору дўконларда ҳам бундай қарғиш, сўкишлар ҳар куну гувок



қучоқлаб суяётган инсонлар ёнида афсуски, битта осмон остида яшаб, қолаверса, ҳали шу пайтгача луғатинида ҳеч учрамаган ўзбекча қарғиш ва сўкиш сўзларини айтишдан уялмаётган турли ёшдаги эркаклар аёл ҳам, йигиту қизлар ҳам сиз билан бизнинг қавмдошимиз, миллатдошимиз эмасми? Бири қўшимиз, бошқаси маҳалладош, яна бири... "Кўйинг, гапирган билан, айтган билан барибир фойдаси йўқ, ўзларига инсоф бермаса қийин", дея қўл силтамайлик. Аксинча...

Ҳеч бўлмаса, яхши оғиздан ёмон гап чиқаришга ўрганиб қолганлар шерободлик Гошанинг "тил бойлиги"даги ҳар қандай кўнглига хуш ёқадиган сўзлардан кўпроқ фойдаланишларини истардим!

Норқобил ЖАЛИЛ



ҚИСМАТИМДА БОР ЭКАН

«Нафиса билан севишиб турмуш қургандик. У ота-онамнинг орзусидаги келин эди. Афсуски, тақдир экан, шифокорларнинг текширув натижаларига кўра Нафиса фарзанд кўролмас экан. У билан ажралишни сира истамасдим. Бир куни эрта тонгда нарсаларини йиғиштириб кетиб қолибди. Ҳеч қачон қайтиб келмаслигини ёзиб, хат ҳам қолдирибди. Унинг ортидан ўйларига бордим. Фойдаси бўлмади. Эракка кишига ёлғиз яшаш қийин экан. Яқинларимнинг маслаҳати билан турмуш ўртоғи вафот этган ўғилчални бир аёлга ўйландим. Қизчали бўлди. Қизимни еру кўкка ишонмасдим. Йиллар ўтиб, ўғлимиз йўқ жойдан жанжал чиқара бошлади. Онасига «ё мени дейсан, ё эрингни дейсан» деб қайсарлик қилиб, оёқ тираб туриб олди. Ноилож ажралишдик. Ҳали қизим онасида. Бундай кўргулик ҳам қисматимда бор экан. Асли хоразмликман. Ёшим 47 да. Тошкент шаҳрида яшайман. Уй-жойим бор. Олий маълумотлимман. Нуфузли жойда хизмат қиламан. Мени тушунадиган, қизимга меҳрибон бўла оладиган аёл топилармикан?

Исмат.

ШОШГАН ЭДИК...

«Қизим Ойсанам бизнинг раёимизга қараб Беҳзод деган йигитга турмушга чиққанди. Кўевимизнинг опаси қайсинглимининг кўшниси эди. Аммаси қизимизга фақат яхшиликни раво кўрарди. Улар мактаганидай куда тарафдагилар яхши инсонлар эди. Қайнонаси Ойсанамнинг яхшисини ошириб, мақтагандан-мақтарди.

Бир куни қизим йиғлаб кўнғирок қилди. Беҳзоднинг тутқаноқ касали бор экан. Кўрқиб кетдим. Қудаларимизнинг айтишича, бир табиб уйланса соғайиб кетади, деган экан. Тузалиб қолади, деб биздан яширган эмиш. Обдон суриштирмай, ўн кун ичида шошилини тўй қилиб узатгандик. Утдай куйиб қолдик. Тошкентда яшаймиз. Қизимнинг ёши 28 да. Икки ярим ёшли қизчаси бор. 35-40 ёшлардаги тўрт мучаси соғ, мунчоқдек фарзандига оталик меҳрини бера оладиган инсофли эрак бўлса, узатиб кўнглим тинчирди.

Меҳри хола».

СУЮМЛИ БЕКА БЎЛАДИ

«Синглим Азиза 22 ёшда, ақли, фаросатли, ёқимтой, қўли гул чевар қиз. Унинг «р» ҳарфини «й»лаб гапиршига болагинида унчалик эътибор бермасдик. Вояга етгач, ана шу арзимас деб юрган нуқсонни бизни жиддий ташвишга сола бошлади. Унга келган совчиларнинг «қиз соқов экан-

ку», деганларини орқаваротдан эшитиб, онам бечора бир аҳволга тушарди. Яқинда узок қариндошимизнинг ўғлидан совчи келди. Азиза эса ўзимга ўхшаш бирор йигитга турмушга чиқаман деб кўнмади. Унинг яхши бир оиланинг суюмли бекаси бўлишига ишонамиз. Ўзимиз Тошкент вилоятида яшаймиз.

Муниса».

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рункига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИВ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳамиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригидан бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳолатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий оқизлик, бепуштлиқ, сабасиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабасиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Фафур Фулом» метро бекати.

МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади. Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02

Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қўйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамширлар — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.

Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 6 ой.

Пишириқлар олий курси — 1 ой.

Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.

Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёти билан.

Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.

Тўй ва оқшом турмаклари ва маккаж — 1 ой.

Бухгалтерия хисоби — 3 ой.

Парда ва чойшабаблар — 1 ой амалиёт билан.

Сартарошлик — 2-3 ой ўқиб болалар учун. Салонда

Каштачилик — 3 ой машинкада вишивка.

Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.

Бизер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.

Компьютер сабақлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.

Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

Машгулотлар амалиёти билан

■ Ётоқхона мавжуд

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади

Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундуз, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.	Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ		ОБУНА ИНДЕКСИ — 176
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00 Босишга топширилди — 16:00	Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20	МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 700000 Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Олой» бозори ёнида	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11. 01. 07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади — 9440
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz	Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46	Web-site: oilavajamiyat.uz	Набатчи — Нигора РАҲМОНОВА Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ Мусаҳҳих — Саидгани САЙДАЛИМОВ
	Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.		ISSN 2010-7609